



MILLIY TIKLANISH

26 (1024) ● 2019 йил 3 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Ислохотлар жараёнида

АЁЛ ҚАДРИ — МИЛЛАТ ҚАДРИ

Ҳаётимизнинг ҳар бир бўғинида инсонийлик, меҳр-муҳаббат туйғуларидан сабоқ берадиган мунис хилқат вакилларнинг жамиятда тутган ўрни ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида жуда кўп гапириш, баҳс-мунозара қилиш мумкин. Қайсики мамлакатда аёлларга эътибор қилинмас экан, ўша жамиятда тараққиёт бўлмайди. Ҳаётимиз фаровонлигини хотин-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур қилолмаймиз. Адолатли жамиятда аёл ҳуқуқи, эркинлиги ва тенглиги энг олий ва муқаддас саналади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 22 июндаги Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида вакиллик органларидаги депутатлар ва депутатликка номзод фаол хотин-қизлар иштирокида "Хотин-қизлар — демократик жараёнларнинг фаол ва

ташаббускор иштирокчиси" мавзусида вебинар ўтказилди. Тадбир бу шаклда ўтказилишининг ўзига хос жиҳатлари бор, албатта. Яъни вебинар — тўғридан-тўғри онлайн тарзда ўтказилиб, унда масофадан туриб кузатиб бориш, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва савол бериш ҳам мумкин бўлади.

Тадбирда партия Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий сайлов ко-

миссияси-вакиллари, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессор-ўқитувчилари, депутатлар ва депутатликка номзодлар, шунингдек, партия ҳудудий кенгашларидаги 1 минг 200 нафарга яқин фаол хотин-қизлар видеоконференция орқали иштирок этдилар.

Вебинарни партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров олиб борди.

— Сўнги йилларда юртимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди партия етакчиси. — Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида "Ер юзидagi ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан

белгиланади", деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор", дея алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, аёлларнинг турмуш шароити яхшиланмас экан, у жамиятда олиб борилаётган ҳар қандай иқтисодий сиёсат тўлақонли муваффақиятга эриша олмайди. Шу боис, ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси хотин-қизларни жамиятимизнинг энг фаол қатлами сифатида кўради ва уларга таянади.

2-бет →

Муносабат

ЁШЛАРИМИЗ ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ, САДОҚАТЛИ ФАРЗАНД БЎЛСИН

Мамлакатимизда 30 июни Ёшлар куни сифатида кенг нишонлаш анъананага айланган. Бу сананинг ўзига хос тарихи мавжуд. 2017 йилнинг 30 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар билан қарийб тўрт соат очик мулоқот ўтказди ва ушбу санада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топгани эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари танқидий руҳда ўтган ушбу учрашувда Ёшлар иттифоқининг олдида турган муҳим ва жиддий вазифалар ҳақида гапириб, у ёшларнинг чинакам таянчи ва суянчига айланиши, ҳар қандай расми-ятчиликдан холи, фақат ёшлар манфаатини ҳимоя қилиши лозимлигига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар куни муносабати билан мамлакатимиз келажаги эгаларига байрам табриги йўллади. Табриқда юртимизда ёшлар сиёсатини амалга ошириш, бу борадаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариш бўйича ўз фикрларини баён қилди.

3-бет →

Жараён

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

том маънодаги илмий-тадқиқот маскани — буюк аждодларимиз ақлу зақоси кўзгусига айланади



Яқинда араб журналисти Миср телевидениесида ислом тарихи ва ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино каби буюк алломалар ҳақида тўхталиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққанини алоҳида таъкидлади ва эътироф этди.

Дарҳақиқат, бутун дунёга танилган, Ислом дунёси тан олган алломаларимиз қолдирган улғун меросга хорижий мамлакатлар ҳамон ҳам катта қизиқиш, ҳам ҳавас билан қарашади. Бироқ аччиқ бўлса ҳам тан олишимиз керак, уларнинг меросига эгаллик қилиш, чуқур илмий тадқиқ ва тарғиб қилишда бошқалардан кўра кўпроқ маънавий ҳақли бўлган Ўзбекистон бу борада яқин кунларгача оқсаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу бўшлиқни тўлдирибгина қолмай, ислом дунёсида таниқли олимларимиз, алломаларимизнинг асарларини чуқур ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш борасидаги ишларни ривожлантиришга ҳам туртки бўлмоқда.

5-бет →

Партия лойиҳаси — амалда

ҚАЧОН МУСТАҚИЛ ИШЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ?!

ёки баъзи мутасаддиларни фақат "туртиб" туриш керак(ми?)

Мамлакатимиз раҳбари асос солган халқ билан фаол ва очик мулоқот олиб боришининг самарали тизими — Халқ қабулхоналари институти муаммоларнинг илдизини барвақт аниқлаш, муурожаатларга сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилишда мустақкам асос бўлмоқда. Бу эса ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам ҳар бир муаммога ечим топиш, халқимизни ҳаётдан рози қилиш ва тараққиётнинг янги марраларини забт этиш учун бор куч-имкониятни сафарбар қилиш имконини бермоқда.

Бу, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклаётди. Партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар жойларда ислохотлар бориши билан яқиндан танишиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, сайловчилар билан очик мулоқот қилиб, уларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларини бартараф этиш чораларини кўриши талаб этилади.

3-бет →

Юзма-юз

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

улар ҳаётида ҳал бўлаётган ҳар бир масала миллат тараққиётини белгилайди

"Ота-онам 2014 йилда бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган. Ўшандан буён ҳовлида бир ўзим яшайман. Ҳар йили ёмғирли мавсумда уйимнинг том қисмидан сув ўтади. Таъмирлангани жуда эскириб кетгани боис ёрдам сўраб кўп бора давлат идораларига муурожаат қилдим. Аммо бирор ташкилот масъуллари менинг илтимосимни эътиборга олмади..."

Навоий вилояти Кармана тумани Катта Мачит маҳалласида яшовчи, Навоий давлат педагогика институти талабаси Достонбек Муҳторов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси раисига йўллаган видеоурожаатида ўз уйини таъмирлашга кўмак сўраб туман, вилоят ҳамда республика миқёсидаги кўплаб ташкилотларга 32 мартаба муурожаат этганини билдирди.

2-бет →



Бугуннинг гапи

ҚОПҚОҚДАН "БАХТ" ҚИДИРАЁТГАНЛАР

энергетик ичимликлар рекламасини чеклаш эмас, буткул тўхтатиш лозим

"Исломжон, дўстим, "Ситро"дан "Спарк"нинг 4-қисмини топайлик. Танишлардан ҳам сўраб кўринг. Топганга 5 миллион сўм бераман..."

Бу телефонимга келган хабар. Уни бир туппа-тузук ошнам юборибди. Миянга кўрт тушди, дегим келди-ю, аядим.

Кўча-кўйда "Спарк" русумли автоуловни кўрдим, дегунча ўша воқеа хаёлимда жонланаверади. Сўнг ўзи нима экан бу, деб қизиқишим орти. Билсам (сиз ҳам яхши билсангиз керак!) таркибида қувватни "кредит" га берувчи моддалар бўлган энергетик ичимлик қопқоқларига яширинган бўлакки белгилардан "Спарк" расмини йиғиш керак экан. Йиғсангиз бўлди, янги машина сизники!

Энергетик ичимликларнинг зарари ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Ҳар кимнинг жони ўзига ширин. Айниқса, бугунги замонда. Америкалик ёзувчи Чарльз Буковски "Африкага дори-дармон юборишга қарор қилиб, анча-мунча дори тўпладик, лекин дорилар йўриқномасидаги ёзув юракларимизни пора-пора қилди, йиғлатди..."

6-бет →



АЁЛ ҚАДРИ — МИЛЛАТ ҚАДРИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари партиянинг устувор дастурий вазифасидир. Партия аёлларга янада қўлайроқ меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларни халқнинг дардини чуқурроқ ҳис қиладиган қатлам сифатида партия фаолиятига кенгроқ жалб қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда. Бундай ижобий ўзгаришларга юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишлар пойдевор бўлмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида "Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт", дея алоҳида таъкидлагани зиммамизга катта масъулият юклайди, — деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маруфова. — Сўнги йилларда хотин-қизлар масалалари бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар жамиятда аёлларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш юзасидан муҳим дастуриямал вазифасини ўтайди. Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда маҳаллаларда 9 мингдан ортиқ аёл мутахассис фаолият юритмоқда. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси олдида турган мақсад-вазифаларни маҳаллаларда аёлларга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, бир неча ҳамкор ташкилотлар кўмағида ўн мингга яқин фаол аёллар рўйхати шакллантирилди. Яна бир жиҳат, бу йилги сайловлар жараёнида қўмитамиз сиёсий партиялар билан ҳамкорликни янада кучайтиради.

Вебинарда таъкидланганидек, "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида хотин-қизлар 48,3 фоизи, партия ташкилий тузилмасида 33,1 фоиз, Сенатда 18,7 фоиз, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 16,1 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларида 29 фоиз, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида 24,6 фоизни ташкил этади.

Партия "Аёллар қаноти" томонидан маҳаллаларда истиқомат қилаётган вақтинча ишсиз, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бандлигини таъминлаш, "Устоз-шогирд" анъаналари асосида уларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида Республика бўйича 650 ўқув курси ташкил қилиниб, 3 минг 381 нафар хотин-қиз қамраб олинди. Лойиҳа иштирокчиларидан 105 нафарининг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилиб, партия ҳудудий Кенгашлари кўмағида 300 нафарга яқини жойлардаги хусусий корхоналарга ишга жойлаштирилди.

Худудлардаги хотин-қизлар мурожаатлари билан ишлаш ва аҳолига амалий ёрдам бериш мақсадида "Уйма-уй" лойиҳаси орқали 14 минг 232 хонадонда 8 минг 68 муаммоли масала рўйхатга олинди, ҳал этишга эришилди. 6 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар бепул тиббий-кўриқдан ўтказилиб, улардан 500 нафарга яқин фуқарога амбулатор шароитда ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари шифохонасида даволашишга кўмаклашилди.

Жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва таҳлил этиш, уларга амалий, ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ўтказилган сайёр қабуллар орқали 3 минг 400га яқин хотин-қизларнинг мурожаатлари депутатлар томонидан ижобий ҳал этилди. "Депутат билан юзма-юз" очиқ мулоқот лойиҳаси орқали жойларда ташкил этилган учрашуларда 6 минг 112 нафар аёл қамраб олинди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган "XXI аср аёли" Республика кўрик-танлови орқали ўтган давр мобайнида ўн мингдан ортиқ хотин-қизлар бевосита иштирок этиб, уларнинг 32 фоизи турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб келмоқдалар.

Тадбирда партия "Аёллар қаноти" томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар етарли эмаслиги, хотин-қизлар билан ишлашда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг асосий йўналишлари, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хотин-қизларнинг давлат бошқаруви ҳамда сиёсий партиялар фаолиятидаги иштироки ҳақида батафсил тушунча ва маълумотлар берилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" келгуси фаолиятида парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайланадиган аёллар сонини ошириш, "Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида" ҳамда "Аёлларни таъзия ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ҳаётида аёлларнинг иштирокини кенгайтириш, хотин-қизлар ўрта-сидда ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиши, уларни амалга оширишда фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎЗМТДП: устувор вазифалар

ЎзМа-юз

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

улар ҳаётида ҳал бўлаётган ҳар бир масала миллат тараққиётини белгилайди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Унинг видеомурожаати Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан ўтказилган "Ёшлар — келажак бунёдкори" мавзусидаги очиқ мулоқот иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров ёш авлод эртанги кунимиз бунёдкори экани, уларни ўйлантираётган ҳар бир масалани ижобий ҳал қилиш миллат тараққиётини белгилашни алоҳида таъкидлаб, Достонбекнинг мурожаати юзасидан тез орада амалий ишлар йўлга қўйилишини билдириб ўтди.

— Ёшлик инсоннинг энг нозик туйғулар, куч-қувват ва шижоатга тўлган ҳамда орзу-умидлар давридир, — деди партия сифатлар шахса бўлган турмуш шароитини яратиш юзасидан ҳамроҳ бўлади. Ёшлар миллат келажиги экан, уларнинг таълим-тарбиясида жиддий аҳамият бериш юрт тараққиётини белгилайди. Шу маънода сўнги йилларда мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилган ҳам бежиз эмас.

Афсуски, таълим-тарбия йўналишида олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар талай. Маълумки, "Инсон ўзгарса — жамият ўзгаради" деган ғоянинг амалдаги исботини бугунги туб ислохотлар замирида инсонларнинг муносиб турмуш шароитига эга бўлиши, ҳаётини рози бўлиб яшашидек эзу мақсад мужассамлигида кўриб турибмиз. Бу жараёнда, айниқса, ёшларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Мулоқотда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг ўрни ва фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди. "Ёшлар — келажак бунёдкори: партия менин ҳаётимда" мавзусида тақдимот ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлат ва жамият бошқарувида, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутди. Сабаби ёшлик даври ўз маҳсулдорлиги, рефлексив ҳусусияти билан бошқа ёшга оид даврлардан кескин ажралиб туради. Бу эса ёшлар яратиш, ихтиро этиш, кашфиёт қилиш каби ютуқлар остонасида турганини аниқлатади. Бинобарин, янгидан-янги ташаббус-ғояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда ана шу қатламнинг нуқтаи назари ва саяё-ҳаракатлари алоҳида

аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастури ва сайловолди Платформасида ёшларнинг ана шу эзу мақсадларини рўйбга чиқариш, уларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол авлоднинг тарбиялаш, фасол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни ватанпарварлик, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш каби устувор вазифалар белгиланган.

Очиқ мулоқотда партия Марказий кенгашига сўнги пайтда ёшлар масалалари бўйича мурожаатлар сони ортгани таъкидланиб, партия раҳбарига ҳудудлардан йўлланган видеомурожаатлар ҳамда иштирокчилар томонидан савол ва таклифлар берилди.

Хусусан, Канаданинг Торонто шаҳрида истиқомат қилувчи юрtdошимиз Ноҳира Исомитдинова ўз видеомурожаатида "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат бўйича мурожаатлар батафсил маълумот берилишини сўраган. Шунингдек, юртимизда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар фаолият юритаётганини ижобий ҳол сифатида таъкидлаб, хусусий олий таълим масканлари фаолияти йўлга қўйилмаётганига асосий сабаб нима, деб мурожаат қилган.

Н.Исомитдинова йўллаган саволларга партия раҳбари амалдаги қонунчилик

да белгиланган тартиб-таомилларга асосланган ҳолда батафсил маълумот бериб ўтди.

Очиқ мулоқотда ёшлар турли мазҳабларда бўлиб қолган фикрларни ўртага ташлади. Партия етакчиси ҳар бир савол юзасидан ўз фикр-таклифларини билдириб борди. Айниқса, 2016 йилда Россиядаги авиация билим юртига ўқишга кетиб, ноҳақ қамалган Маъруфнинг Шакаронинг онаси Санобар опанинг дилдаги гаплари, шунингдек, масофадан туриб бепул таълим бериш бўйича on-line дарсликлар яратиш иштироки бўлган кўнгилли ёшларнинг бую бино илинжидаги мурожаати барчанинг эътиборини тортиди.

Тадбирда ёшларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда саволларига батафсил жавоб берилди. Уларнинг таклифлари партиянинг кейинги фаолиятини янада жонлантиришга, бу йилги сайловда шу иштирокчилар орасидан ҳам маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар қўйилишига ишонч билдирилди. Шунингдек, ЎЗМТДП тизимида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаол қатнашган барча даражадаги депутатлар, партия ходимлари ҳамда фаол аъзолари тақдирланди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси бўйлаб сaxeт уюштирилди.

Рустам САФАРОВ,
Яшнобод туманидаги 77-сонли кўзи
оғирлик мактаби директори:

— Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган пурмаъно фикри неча йиллар ўтса ҳамки ўз кадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси бўлиши таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслигини бугунги тезкор замонда ҳар дақиқада аниқлаб етказиб бериш зарур. Шу маънода муносиб таълим ҳам ёшлар ҳаётида беқийс ўрин тутди. Мана, бир неча йилдирки, кўзи оғир ва заиф кўрувчилар билан бирга ишлаб келяпман. Кузатишларим натижасида, қондорилган чекланган болалар соғлом болаларга нисбатан жуда талабчан ва интилувчан эканига кўп бор амин бўлганман. Мақtabимиз ўқувчилари орасида ҳам математика, она тили ва адабиёт фанидан республика фан олимпиадаларида голиб бўлган ёшлар етишиб чиққани кувонарли.

Бугунги очиқ мулоқотда болалар мусиқа ва санъат мактабларида тахсил олишда ногиронлиги бўлган ёшлар учун имтиёз назарда тутилгани, бу эса уларнинг мусиқий таълим ҳам математика, она тили ва адабиёт фанида тўғаноқ бўлаётганини билдириб ўтдим. Партия етакчиси ушбу масалада мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилиши ва бу орада амалий ишлар қилинаётганини айтганида кўнглим тоғдек кўтарилди.

Шарофат ИСМОИЛОВА,
Фарғона вилоятдан, "Кўмак" ҳуқуқий
тарғибот гуруҳи аъзоси:

— Бугун юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг келажиги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола билладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" олиб бораётган амалий ишлар ва унинг самараси барчамизни бирдек қувонтирмоқда. Шу ўринда партиянинг "Миллий тикланиш" газетаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ўзлик ҳақида суҳбат" лойиҳасида ёш авлод тарбиясида асқотадиган муҳим жиҳатлар тилга олинишини алоҳида таъкидламоқчиман. Лойиҳа иштирокчилари Худойберди Тўхтабоев, Наим Қаримов, Дилбар Ғуломова, Хуршид Дўстмухаммад сингари зиёлиларнинг юртга бўлган муҳаббат, фидойилик каби тушунчаларнинг дилдаги ифодаси бизга ўрнақдир. Бу лойиҳа юртимизнинг ҳар бир хонадонига кириб бориши учун суҳбатларни китоб тарзида чоп этиш, уларнинг аудио ва видео вариантларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш мақсада мувофиқ деб ўйлайман. Шунингдек, партия томонидан ўтказилаётган "Навий ворислари" кўрик-танлови фақат ўқувчи ёшлар эмас, ўқитувчилар ўртасида ҳам ташкил этилса, улуғ шоир ижодий меросини барча бирдек ўқи-ўрганса, танлов кўлами янада кенгайиб, ўқитувчиларни ўз устида тинимсиз ишлашга ундайди, деб ўйлайман.

Бекзод ИДИЕВ,
Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитаси бўлим бошлиғи:

— Бугунги кунда ҳар бир соҳада ёниб меҳнат қилаётган интилувчан ёшлар талай. Уларнинг ишлари ва ҳаракатини қўллаб-қувватлаш жамият олдида турган муҳим вазифа саналиб, бу борада юртимизда мақдашга эригувчи ишлар амалга оширилмоқда. Болани гап-сўзимиз эмас ҳаракатларимиз тарбиялайди. Бола оилада ота-онанинг ҳар бир ҳаракатидан ўрнак олади. Шу боис, бугунги очиқ мулоқотда давлат хизматчиларининг иш вақтини қонунчиликда яна бир бор кўриб чиқиш, айниқса, аёлларга имтиёзни кенгайтириш таклифини билдирдим. Бу эса оилада фарзанд тарбиясига эътибор кучайтирилишига кўп жиҳатдан замин яратди.

Яна бир жиҳат: туризм келажакда мамлакат иқтисодийнинг асосий йўналишларидан бирига айланиши шубҳасиз. Шу боис уни фан сифатида ўрганишни кенгайтириш муҳим саналади. Мактабгача таълим муассасаларида ўйин воситаларида, мактабларда дастлабки кўникмалар орқали ҳамда олий таълим тизимида тўлиқ ўргатилиши соҳанинг эртанги тараққиётини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Д. МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил ва таққос

СТАТИСТИКА, ҲИСОБОТ УЧУН ИШЛАШНИНГ ДАВРИ ЎТДИ

ҳам сифат, ҳам сон ўзгаришига эришиш — давр талаби

Ҳар бир сиёсий партиянинг ўз мақсад ва вазифаси, сайловолди Платформаси бор. Аъзолари, тарғибот ва сайловчилари томонидан дастурий ғоялари тўла қўллаб-қувватланган партиягина жамиятда салмоқли кучга айланади. Бугун барча соҳада ишдаштириш зарурлиги, демократик партиялар ҳам жамиятда ўз ўрни, ишга эга бўлиши учун фаолиятини тубдан ўзгартириши, аҳоли, электротар билан очиқ, ошқорча, юзма-юз мулоқотни йўлга қўйиши, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши ва ҳал этиш йўллари топиши лозим бўлади. Статистика, ҳисобот учун эмас, балки аниқ амалий ишлар одамларнинг ишончини қозониши, уларнинг қорига яраб, қалбидан жой олиш зарур.

Албатта, партиянинг мақсад ва вазифалари қай даражада бажарилгани биринчи навбатда таянч бўлган ҳисобланган бошланғич партия ташкилоти (БПТ) фаолияти билан қамраб олинган. БПТ дастурий ғоялар, сайловолди Платформани аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан бу борада яқин алоқа ўрнатилиши билан бирга уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, таклиф-мулоҳазаларни юқори турдаги ташкилотга билдириши, пиروvardида партиянинг жамиятдаги нуфузини янада оширишга ёрдам бериши зарур.

Партия кўйи ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, замон талабига мос равишда ташкил этиш учун биринчи навбатда уларга амалий ёрдам кўрсатиш улуғ сиз жараён ҳисобланади. Уларнинг ҳеч бирини эътибордан қолдирмай, доимо алоҳида бўлиш, ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилиш, таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб бориш зарур.

Энг асосийси, жамоат бирлашмалари, корхона ва ташкилотларда бошланғич ташкилотлар тузиб, партия тарафдорлари сонини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳўш, жорий йилнинг биринчи чорагида ЎЗМТДП ҳудудий кенгашлари бу

вазифани қай даражада удаллади? Бу борада қандай натижаларга эришилди?

Маълумотларга қараганда, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, БПТлар сони 6 минг 38 тани ташкил қилган. Биринчи чорак якуни бўйича эса бу кўрсаткич жами 109 тага кўпайиб, 1 апрель ҳолатига кўра 6 минг 147 тага етган.

Бир қараганда ушбу йўналишда ўсиш борм, фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин. Аммо, биринчи чорак якуни натижаси 14 ҳудудий ташкилот ўртасида тақсимланса, салкам 8 тадан ва уни яна уч ойга бўлса, бир ҳудудий кенгашга учтадан ҳам тўғри келмаслиги маълум бўлади. Энди, ҳар бир вилоятда 10-15 партия ташкилоти (баъзи вилоятларда 20 тадан ҳам ошди) борлигини эътиборга олсак, бу кўрсаткич қанчалик кўп ё камлиги янада ойдинлашади.

Янги бошланғич партия ташкилотлари бўйича ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари кесимда ўрганилса, биринчи чорак давомида Бухоро, Жиззах, Сирдарё вилоятлари биронта ҳам БПТ тузилмагани, демак, ушбу вазият бўйича аниқ пайтда зарур чоралар кўрилиши талаб этилади. Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 4, Фарғона вилоятда 5, Қашқадарё вилоятда эса атиги 6 тани ташкил қилган. Фақат Андижон (19) ва Сурхондарё (18) вилоятининг бу борадаги фаолиятини

ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ бугун барча соҳада жадвал ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳамда сайлов йили эканлигини эътиборга олсак, ижобий деб баҳоланган кўрсаткичлар ҳам талабга жавоб бермаслиги аниқ.

Шу йилнинг биринчи чорак якунидан ўтган йилнинг мос даврига солиштирилганда, партия Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра БПТ умумий сони 628 тага етган. Утган йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 620 тани ташкил қилган эди. Усиш 8 тага етган. Сирдарё вилоятда эса 1 апрель ҳолатига кўра БПТлар сони жами 344 тага етказилган. 2018 йилнинг мос даврига нисбатан эса ўсиш 5 тага кўпайган, холос. Энг паст кўрсаткич Бухоро вилоятда қайд этилган. Вилоятнинг биринчи чорак кўрсаткичи якуни 413 тани ташкил қилган ва ўсиш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан атиги 2 тага етгани таассуфланарлидир.

Жиззах, Навоий, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг ҳам бу борадаги кўрсаткичи қувонарли эмас. Сурхондарё (44), Самарқанд (42) ва Тошкент шаҳрида (55) эса партиянинг бошқа ҳудудий ташкилотларига нисбатан бироз бўлса-да, юқори кўрсаткич қайд этилган.

Албатта, баъзи вилоят кенгашидагилар бу кўрсаткичлар пастигини "Биз рақам ортиндан қувмадик, аниқ, амалий натижалар учун ишладик", — дея оқлаши ҳам мумкин. Тўғри, қорозбозлик, статистика, фақат ҳисобот учун ишлашнинг даври ўтди. Бугун "Йўл харитаси" ишлаб чиқиб, аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиб, ҳаракат қилиш керак. Лекин юқорида таъкидланганидек, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоят кенгашлари томонидан уч ой давомида бирорта кўйи ташкилот ташкил этилмаганини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу ишларнинг тўғри йўлга қўйилмагани, назоратнинг усайгани, ташаббускорликнинг

етишмаслигидан далил эмасми?

Таҳлилдан натижасида маълум бўлдики, ушбу вилоятларда партияга янги аъзоларни жалб қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Бу борадаги статистикага ҳам бир эътибор қаратинг: Жиззах вилоятда 2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра аъзолар сонидига ўсиш 2018 йил мос даврига нисбатан 936 тага кўпайган бўлса, бу кўрсаткич Сирдарёда 385, Бухоро вилоятда эса 364 тани ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев видеоселектор йиғилишида, фаоллар билан бўлган учрашуларда вилоятлар, туман, чекка маҳаллаларда ишлохотлар талаб даражасида амалга оширилмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмаслигини, яъни кўйи бўйинларда ўзгариш сезилмас, тепада ҳам ижобий ўзгаришлар бўй бермаслигини таъкидлаб келди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, партиянинг ҳам вилоят кенгашлари, туман ва шаҳар ташкилотлари, кўйи бўйинларида ишлар тўғри ташкиллаштирилмаса, замон билан ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилинмаса, жамиятда сиёсий куч сифатида мавқега эришиб бўлмайди.

Зеро, сиёсий партиянинг ҳақиқий кучи, партия ташкилотлари ва депутатларнинг ташаббускорлиги, электротар манфаатларини қай даражада ҳимоя қила олиши рақобат жараёнида намоён бўлади. Партия таянчи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини, иш услубини янада тақомиллаштириши, улар сабига фаол, ташаббускор аъзоларни жалб қилиш декабрь ойида бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — сайловга замонавий илгарилик ва янги мазмун олиб киришини, пиروvardида мамлакатимизнинг жадал тараққий этишига хизмат қилишини унутмасак бўлгани.

Р. МАВЛОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия лойиҳаси — амалда

ҚАЧОН МУСТАҚИЛ ИШЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ?!

ёки баъзи мутасаддиларни фақат “туртиб” туриш керак(ми?)



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎЗМТДП Наманган вилоят кенгаши, унинг маҳаллий ташкилотлари бу йўналишдаги фаолиятини бугунги кун талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиб, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда қуруқ ҳеч қимга фойдаси тегмайдиган тадбирдорликдан қочиш йўлидан бормоқда. Партиянинг “Уйма-уй” лойиҳаси, сайёр қабуллар ўтказилаётгани аҳолининг муаммолари масалаларини тизимли ўрганиш, фуқароларнинг ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, электорат билан очик тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш ҳамда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Келинг, бунинг исботини биринчи чорак аёнлари бўйича таҳлил қилайлик. Партия Наманган вилоят кенгашининг “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида 10дан зиёд, сайёр қабул эса 5 мартаба ташкил этилди. Унга партия вакиллари, депутатлар билан бирга сектор раҳбарлари, ички ишлар, коммунал хизмат кўрсатиш, таълим, тиббиёт идоралари, бандликка кўмаклашиш маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари ҳам жалб қилинди ва бу амалий ҳаракатларнинг янада натижалари бўлишини таъминламоқда.

Тадбирларда 300дан кўп фуқаро ишти-

рок этиб, юзга яқин мурожаат келиб тушди. Уларнинг 41 таси тегишли тартибда жойида ҳал этилган бўлса, 28 мурожаат турли ташкилотларга йўналтирилди. 20 та масала бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Келиб тушган мурожаатларнинг 23 таси коммунал, 19 таси бандликка кўмаклашиш, 14 таси ижтимоий, 11 таси банк кредити билан боғлиқ. Шунингдек, уй-жой ва ер ажратиш, иш ҳақи, нафақа ва пенсия таъминоти бўйича ҳам кўплаб мурожаат қабул қилинган.

Ҳақима Гўянова Норин тумани Катта ўлмас маҳалласида яшайди. У ижтимоий ҳимояга муҳтож. Шу боис сайёр қабуллардан бирида 2013 йилда таваллуд топган ров ушбу масалани жойига чиқиб ўрганиб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Норин туман кенгаши раиси ўринбосари номига депутатлик сўрови юборди. Масалага тезда ечим топилди. 19 март куни Наврўз байрами муносабати билан тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 31 нафар фарзанди қаторида Азизбекнинг ҳам суннат тўйи ўтказиб берилди.

— Оилавий тадбиркорликни йўлга

қўйиш мақсадида ЎЗМТДП Чуст туман кенгашига имтиёзли кредит олишда ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим, — деди Чуст тумани Зарафшон маҳалласида яшовчи Нозима Ҳақимова. — Чунки банклар бу борадаги мурожаатимни анча вақтдан буён эътиборсиз қолдираётганди. Партия ёрдами билан муаммо тезда ҳал бўлди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида АТБ “Микрокредитбанк” Чуст туман филиалидан 7 миллион 100 минг сўм миқдорда кредит олдим. Тикув машиналари харид қилиб, уйимизда кичик цех очдик.

Учкўрғон туманидаги Улугбек маҳалласи Тўмарис кўчасида яшовчи Ирода Расуловага ҳам туман партия ташкилоти амалий ёрдам кўрсатди. Халқ банки Учкўрғон туман филиали унга 7 миллион 600 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди.

Халқ депутатлари Косонсой туман Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Хошимжон Турғуновнинг ёрдами билан Гузар маҳалласида яшовчи Элмурод Жўраев қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар қоллежи ҳўжалик бўлимига ишга жойлашди. Тиббиёт коллежини тугатган Работ маҳалласи фуқаролари Иқболой Мамажонов ва Наргиза Салимжонова маҳаллада ташкил этилган тез тиббий ёрдам марказига ишга кирди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда бир мулоҳаза: ушбу мурожаатчилар сайёр қабулларга қадар ўз муаммоси бўйича кўп ташкилот ва идоранинг эшигини бир неча бор тақиллатишга тўғри келган. Бироқ уларни ҳал қилишга келганда, албатта, партия ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг аралашуви керак бўлмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилади: шу соҳага масъуллар қачонгача юқоридан қимнингидир аралашувини ёки халқ вакилининг расмий сўров юборилишини кутиб ишлайди? Қачон ўзимиз мустақил ташаббус кўрсатиб, аҳоли муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишни ўрганамиз?!

Илҳомжон ҲОЖИЕВ,
ЎЗМТДП Наманган вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Хорижийликлар нигоҳи

САМАРҚАНДАГА КЕЛГАН САЙЁҲЛАР ТАКЛИФ БИЛДИРДИ

Туризм қисқа вақт ичида дунёдаги энг тез ривожланаётган ва сердаромад соҳага айланди. Маълумотларга қараганда, халқаро туризмдан кўрилаётган фойда йилига 1 триллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилар экан. Саёҳатга чиқувчилар сони эса 1 миллиарддан зиёд ва бу кўрсаткич ҳар йили кўтарилиб борапти. Шу боис кўплаб мамлакатлар ушбу соҳани янада тарққий эштириш, тегишли инфраструктуранинг дунё талаблари даражасига кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Буюк ипак йўлининг марказларидан бирида жойлашган ва тарихий обидаларнинг кўплиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринларда турадиган, эътиборлиси, халқаро сайёҳлик ташкилотлари “очиқ осмон остидаги музей” дея эътироф этадиган Ўзбекистонда ҳам бу тармоқни ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу соҳани тарққий эттириш мақсадида сўнгги икки йил ичида давлатимиз раҳбарининг кўплаб фармон ва қарорлари, давлат дастурлари қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қилинган сайёҳ-ҳаракатлар натижа-сида ўтган йили 5 миллиондан ортиқ сайёҳ юртимизга ташриф бурди. Бу 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда анча юқори кўрсаткичдир.

“Ер юзининг сайқали”, “Шарқ гавҳари” дея эътироф этиладиган Самарқанд турли даврларда барпо этилган бетакрор тарихий обидалари, муқаддас қадимжолари билан хорижий сайёҳларни ўзига энг кўп жалб этаётган маскан ҳисобланади. Туристарларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида сўнгги йилларда Самарқандда салмоқли ишлар амалга оширилди. Замонавий меҳмонхоналар қурилди, йўллар таъмирланди, янги майдон ва боғлар яратилди, қадимжолар ва тарихий обидалар атро-

фи ободонлаштирилди. Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган сайёҳлар билан суҳбатлашганимизда туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатларга қарамасдан ҳамон соҳада ечимини кутаётган муаммолар

» Меҳмонхоналарда Интернет тезлиги ниҳоятда паст...

» Туристарларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйилишига нима халал бермоқда?..

» Тарихий обидаларга кириш чипталари нарҳида тафовутлар мавжуд...

мавжудлигини таъкидлашди. Масалан, португалиялик Антонио Гомиш меҳмонхоналарда Интернет тезлиги ниҳоятда пастлигидан, хоналарда хизматчилар билан боғланиш учун чақирув телефони йўқлигидан нолиди.

Ҳиндистонлик Умеш Хайтан сайёҳларнинг миллати ва динини эътиборга олган ҳолда

овқатланиш жойлари ташкил этилса, айна мударо бўлишини айтarkan, у шаҳардаги барча кафе, ресторанларда мол гўштисиз тайёрланадиган таомларни топши муаммоларидан ёзғирди.

Покистонлик Ризвон Азиз

ромобил қатнови йўлга қўйилган. Хорижий сайёҳлар бундай хизматдан мамнун эканини айтиб, электромобил қатнови Хазрати Хизр масжиди, Афросиёб музейи ва Ҳўжа Дониёр мақбарасигага узайтириш таклифини беришди. Уларнинг айтишича, шу йўналишда транспорт воситаларининг ҳаракатланмаслиги туристар учун қатор ноқулайликлар туғдирмоқда.

“Тарихий обидаларга кириш чипталарининг нарҳида ҳам тафовутлар мавжуд. Нарҳлар бир хил этиб белгиланса яхши бўларди. Шунингдек, темир йўл вокзалидаги ер ости ўтиш йўлига эскалатор ўрнатилса юк билан келган туристар учун ҳам, маҳаллий аҳоли учун ҳам анча қулайлик яратилган бўларди”, дейди германиялик сайёҳ Томас Мюллер.

Бу — Самарқандга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг туризм ривожини билан боғлиқ айрим таклифлари. Уларнинг нечоғли муҳим ёки муҳим эмаслигини соҳа мутасаддилари яна бир бор таҳлил қилиб кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Зеро, мақсадимиз сайёҳликни ривожлантириш экан, катта-кичикими ҳар қандай таклиф эътиборимиздан четда қолмаслиги лозим.

Ёлқин ОҚБЎТАЕВ,
ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Муносабат

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Маълумки, мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънан етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи доимо устувор вазифа сифатида қараб келинган. Юртимизда жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш бўйича ягона тизим яратилган

ЁШЛАРИМИЗ ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ, САДОҚАТЛИ ФАРЗАНД БЎЛСИН

бўлиб, ёшлар салоҳиятини эзгу мақсадларга йўналтириш, уларни конструктив ғоялар атрофида бирлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматнинг ёшлар масалаларига доир ўнлаб фармон, қарор ва фармойиши қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби” ташкил этилди. Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муайян соҳадаги самарали фаолияти, ютуқ ва иқтидорларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Ёшларнинг муаммолари, дарду ташвишлари ва таклифларини ўрганиш, уларга ёрдам бериш, навқирон авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллади. Бунга раҳбарлик лавозимидаги ва халқ сайлаган депутатлик корпусидаги ёшлар вакиллари фаолияти аққол мисол бўла олади. Президент табригида ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик

Сайловчилар нима дейди?

Бир эзгу ҳаракат бир неча инсон фойдасига хизмат қилса, кўпчилик билан қилинган сайёҳ-ҳаракат бутун туман аҳли ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Аксарият андижонликлар турмуш шароитини яхшилаш, ўзи яшаётган ҳудудни ободонлаштириш, янада кўрк очишига ҳисса қўйиш юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилишдан қарачасмайди. Эътиборлиси, уларнинг кўплаб муаммоларига айнан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси кўмагида ечим топилмоқда. Бу жиҳат партия наинки ғоялари, балки амалий ишлари билан ҳам қўйи бўғинларга, аҳоли чичаги кириб бораётганининг яна бир ҳаётини исботидир. Ушбу ҳаёт ҳақиқатини муаммолари ҳал бўлган андижонлик фуқаролар фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

“БИРНИКИ — МИНГГА, МИНГНИКИ — ТУМАНГА”

Дилшодбек ЮСУПОВ,
Андижон вилояти Андижон тумани “Март” маҳалла фуқаролар йиғини:

— Маҳалламизда жойлашган “Қорабоши ота” зиёратгоҳи анчадан буён абгор аҳволда эди. Маҳалладошларим билан зиёратгоҳни маданий мерос объекти сифатида қайта таъмирлаш юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига амалий ёрдам сўраб мурожаат этдик. Унда объект атрофини ободонлаштириш, зиёратгоҳ ҳудудига туташ бўлган қабристонни девор билан ўраб олиш лозимлигини билдирдик.

Мурожаатимизга асосан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, “Қорабоши ота” зиёратгоҳи тўлиқ ўрганилди. Зиёратгоҳ ҳақиқатан ҳам таъмирталаб ҳолатда эканлиги инобатга олиниб, Андижон туман ҳокимлигига зудлик билан депутатлик сўрови юборилди. Айни пайтда зиёратгоҳ ҳудудига туташ бўлган қабристон атрофи бетон девор билан тўсилди ҳамда зиёратгоҳда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Мақсудахон АҲМЕДОВА,
Асака тумани “Чек” маҳалла фуқаролар йиғини:

— Коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш биз истеъмолчиларнинг бурчимиз саналади. Шу боис, бу мавзу кўни-кўшнлар ўртасида кўп муҳокама қилинади. Лекин кейинги пайтда, айниқса, электр энергиясидан қарздорлик аниқ ҳисобланмаётган ҳолатларга кўп бор дуч келямиз. Тушунман, аҳоли сони кўп. Англашилмовчилик ҳам бўлиши мумкин. Шу боис кўшнларим номидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Асака туман

жараёнларда фаол иштирок этиши, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда чуқур билим, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар фаол қатнашиб, вакилик органларида муносиб ўрин эгаллаши, бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқнинг манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик

партияси ҳам бу йилги сайловда ёшлар вакилларининг муносиб иштирокини таъминлашга, барча даражадаги депутатликка уларнинг номзодларини илғари суришга алоҳида эътибор қаратади. Бу борада ҳозирданоч амалий ишлар бошлаб юборилган. Депутатликка номзодлар захирасини шакллантириш, сайлов жараёнларини ташкил қилиш ва унда муносиб иштирок этишда ёшлар вакиллари масаласи диққат марказда турибди.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг ёшларга йўллаган табригида таъкидланганидек, бугун ўз олдимизга қўйилган улкан ва масъулиятли вазифалар бутун халқимиз каби ёшлардан ҳам ҳар томонлама катта таянчлик ва сафарбарликни талаб этади. Шундай экан, ёшлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз амалий ишлари, ташаббуслари, ғайрат-шижоати билан юртимиз равнақи, жонажон Ватанимиз ривожига муносиб ҳисса қўйиши, садоқатли фарзанд бўлиши ҳар биримизнинг энг олий мақсадларимиздан бирига айланиши керак.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси

кенгашига электр энергиядан қарздорликни қайта ҳисоб-китоб қилиб, электр ҳисоблагичларни техник кўриданг ўтказилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат этдим.

Мурожаатим халқ депутатлари Асака туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Акрамжон Жўраев томонидан ўрганилиб, туман электр корхонаси раҳбарига депутатлик сўрови юборилгани ҳақида маълумот беришди. Орадан кўп ўтмай мен ҳамда қўшнларимга туман электр корхонаси мутахассислари томонидан қарздорлик бўйича аниқ маълумотлар тақдим этилди. Уйимизга ўрнатилган электр ҳисоблагичлар ҳам техник кўриданг ўтказилди. Мурожаатимизни ижобий ҳал этган депутатдан миннатдоримиз.

Ўқтамжон ЖАМОЛОВ,
Булоқбоши тумани “Чақар” маҳалла фуқаролар йиғини:

— Умр — оқар дарё. Ҳаёт ташвишлари ила унинг бир зумда ўтиб кетганини сезмай қолар эканмиз. Нафақага чиқиш ёшим яқинлашиб қолгани боис, йиллар давомида ишлаган иш ҳақим жамланма маълумотларини туман архивдан олишда кўп бор қатнаб, сарсон бўлаётган эдим. Худудимиздан маҳаллий Кенгашга сайланган депутат Даврон Тўланов билан мулоқот чоғида ушбу масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат этдим. Тез орада менга туман архивдан маълумот тақдим этилди.

Мурожаатимни ижобий ҳал қилгани учун халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан сайланган депутат Даврон Тўлановдан миннатдорим.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ТАШАББУСДАН АМАЛИЙ ИШЛАРГА ЎТИЛМОҚДА

Ёшлар барча замонда ҳам жамиятнинг ҳал қилувчи кучи, элу юртнинг келажигини белгилувчи қатлами саналган. Ҳақиқатан ҳам ёшларнинг тафаккури, интеллектуал салоҳияти ва маънавий қийфаси давлат ва жамиятнинг эртанги кунини белгилаб беради. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишга бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида эътибор қаратилаётир.

Шу йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган 5 муҳим ташаббус бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтариш, ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини юксалтириш, уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсон сифатида вояга етишиши учун шарт-шароит ва имкониятларни кенгайтириш. Хусусан, биринчи ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳасига мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъатга жалб этиш бўйича ҳудудий "Йўл хари"ларини тасдиқлаш кўзда тутилган.

Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган

дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда энгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш белгиланган.

Учинчи ташаббус — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур доирасида 2019-2020 йилларда туман, шаҳарларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш, уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектлари юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш режалаштирилган.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзудаги китоблар етказиб бериш, шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очилш ҳам белгиланган.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тиккув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда энгил конструкцияли тиккув-трикотаж корхоналари қурилиб, аёллар бандлиги таъминланади.

Таъкидлаш жоиз, беш ташаббуснинг барчаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган

вазифалар билан муштарак ва ҳамоҳанг. Партия миллий анъана ва қадриятларимизни янада муштаҳкамлаш, юксак маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида янгилик дунёқарашга эга ёшлар сафини кенгайтириш, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришни мақсад қилган. Навқирон авлод тимсолида халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат, матонат руҳида тарбиялашга қаратилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш партияимизнинг асосий ғоявий вазифаларидан ҳисобланади. Шундай экан, ушбу беш ташаббусни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ЎзМТДП ташкилотлари фаол иштирок этиши ва алоҳида ўрнатилган кўрсаткич мақсадага мувофиқ.

Ҳўш, бу борада партия ташкилотларида қандай саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда? Қандай янги лойиҳа ва ташаббуслар билан майдонга чиқмоқда? Партия сиёсий куч сифатида давлат раҳбарининг ташаббусларига елкадош бўлиш маъсулиятини қай даражада бажараятир? Бу каби саволлар ўртага ташланган давра сўҳбатда бир гуруҳ партия фаоллари фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Ҳамдам НИЗОЗОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббуси ёшлар ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Мазкур ташаббусларда белгиланган устувор вазифалар ёшлар камолоти билан боғлиқ барча масалани ўз ичига қамраб олган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-ғоялари ҳамда сайловолди Платформасида ҳам бу устувор масалалардан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, ЎзМТДП томонидан Президентнинг беш муҳим ташаббусини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур чора-тадбирлар дастурида бир қатор амалий ишлар режалаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббуси мазмун-моҳиятини аҳолига тушунириш ишларини олиб бериш белгиланди. Санъаткорлар ва театр актёрларининг меҳрибонлик уйлари, алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига боришини доимий равишда амалга ошириш, ёшлар ўрта-



Абдуллаев БҮРИЕВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Партияимиз фаолиятида ёш авлодни маънан, ақлан ва жисмонан соғлом, юқори интеллектуал салоҳиятли комил шахс сифатида вояга етказишга мунтазам равишда эътибор қаратиб келинади. ЎзМТДП Навоий вилоят, туман ва шаҳар кенгашилар томонидан шу пайтга қадар 80 мусиқа ва санъат мактаби ҳамда маданият маркази фаолияти ўрганилди, уларнинг 67 тасида муайян муаммолар борлиги аниқланди.

Конимех тумани Зафаробод кўрғонига жойлашган 5-кон бошқармаси, Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи", вилоят ахборот-кутубхона маркази, "Хунарманда" уюшмаси, Навоий давлат педагогика институти, Навоий давлат кончилиқ институти ва бошқа ташкилотларда ташаббуслар мазмун-моҳияти юзасидан тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Ёшларни жисмоний чиқариш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши томонидан яқка кураш турлари бўйича, Навбахор тумани кенгаши томонидан мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида, Кармана ва Конимех туман кенгашилар томонидан эса футбол мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, партия Учқудуқ туман кенгаши томонидан "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида спортнинг "Ашиҳара каратэ" ва "Пауэрлифтинг" тури бўйича тўғрақлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, учинчи ташаббус, яъни ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида яқка тартибдаги тадбиркор Охун Уктамов "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида 6 нафар ёшга замонавий ахборот технологиялари сирларини ўргатмоқда.



Шарофиддин ҲАКИМОВ, ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг беш муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури асосида вилоят кенгашиимизнинг ҳам келгусидаги вазифалари белгилаб олинди. Айни пайтда ана шу вазифа ва мақсадлар асосида муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳар бир ҳудудда олиб бориляётган ишларда партия "Ёшлар қаноти" қошида ташкил этилган "Кўмак" ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари вакиллари фаол иштирок этмоқда. Жумладан, улар мактабларда, ёзи оромгоҳларда турли спектакллар намойиш қилиш, мусиқа ва миллий чолғу асбоблари ҳақида амалий машғуллар ўтказишни йўлга қўйишган. Ана шундай спектакллар Қўқон шаҳридаги бир неча мактабларда намойиш қилиниб, унга юзлаб ёшлар жалб этилди. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги имконияти чеklangан болалар мактаб-интернатига "Карвонсарой" спектакли қўйилди.

ЎзМТДП Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёш актёр ва актрисалар кўрик-танлови ўтказилди. Иштирокчилар кўрик-танлов баҳонасида қадим шаҳар бўйлаб саёҳат ҳам қилдилар — Худоберқон ўрдасига, Ўзбекистон санъат ва маданият институтининг Қўқон филиалида бўлишди. Бу ерда маҳорат дарслари ташкил этилиб, ёшларнинг маданият ва санъат соҳасидаги билим ва кўникмалари оширилди.

Партия вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Биз темирйўл маликалар авлодиданми?" номли кўрик-танлов ҳам ёш санъатсевар қизларнинг билимини муштаҳкамлашга хизмат қилади. Таниқил рассом, партия Марказий

сида рақамли ва компьютер технологиялари, робото-техника ва киберспорт бўйича тўғрақлар фаолиятини кенг тарғиб этиш кўзда тутилган. Мактаблар, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий технологиялар, юқори тезликдаги Интернетга боғлиқлаш бўйича парламент назоратини ўрнатиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китоб мутлоаси, китобхонликни кенг тарғиб қилиш ҳамда хотин-қизларни иш билан таъминлашни тизимли ташкил этишга кўмаклашиш каби муҳим вазифалар ўрин олган.

Айни пайтда ҳудудий партия ташкилотлари ва "Ёшлар қаноти" томонидан мазкур чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, спорт турлари бўйича ёшларни жисмоний чиқариш ва қобилиятини намоён қилиши учун республика бўйича 12 бепул тўғрақ ташкил этилди. Мазкур тўғрақларда юзга яқин кам таъминланган оила фарзандлари иштирок этмоқда. Бундан ташқари, "Китоб карвони" лойиҳаси доирасида ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия фаоллари томонидан 50 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси, мактаб, коллеж, лицейларга миллий, жаҳон адабиётининг сара намуналари ҳамда маънавий-маърифий, ижтимоий мавзуларга бағишланган мингга яқин китоблар тақдим этилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" бундан кейинги фаолиятида ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар, "Кўмак" ҳуқуқий тарғибот гуруҳи аъзолари билан биргаликда фаол иштирок этади.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудида китобхонлик кенг тарғиб қилинмоқда. Бу борада Навоий вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари раислари томонидан ўзлари таълим олган мактаблар кутубхонасига ўнлаб китоблар тўплами берилди. Вилоят ҳокимлигининг "Хар ҳафтада битта китоб мутлоа қиламан" лойиҳаси доирасида ЎзМТДП жамоаси фаол иштирок этмоқда. Халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ташаббуси билан "Халқ кутубхонаси" ташкил этилди. Вилоятдаги АРМлар фаолияти ўрганиб чиқилди ҳамда хулоса ва таклифлар партия Марказий кенгашига тақдим этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар томонидан "Уй-ма-уй" лойиҳаси доирасида Навбахор, Қизилтепа, Конимех туманида 12 нафар хотин-қизнинг иш билан таъминланишига кўмаклашилди. Навоий шаҳри, Навбахор, Кармана, Қизилтепа, Конимех туманларида "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида 30 нафарга яқин уюшманган хотин-қизларга хунар ўргатиш мақсадида хунармандалар бириктирилди.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Кармана туманидаги "Офтобжон" ёзи болалар оромгоҳида "Ёшлар — миллимиз келажиги" фестивали ташкил этилди. Фестиваль доирасида ёшларнинг мусиқага қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида "Миллий чолғу асбоблари таронаси" маданий тадбири, "Бир саволга — бир китоб" акцияси ҳамда "Соғлом танда — соғ ақл" лойиҳаси доирасида арқон тортиш, шахмат ва шашка спорт мусобақалари ўтказилди. Туман маданият бўлимининг малакали мутахассислари оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган ёшларга миллий чолғу асбоблари, уларнинг ясалиши, тарихи ҳақида атрофлича маълумот берди. Истеъдодли созандалар томонидан миллий куй-қўшиқлар ижро этилди.

Бундан ташқари, вилоятдаги барча партия ташкилотлари томонидан мактабгача таълим муассасаларида ёш авлод маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича "Бувимнинг эртақлари" лойиҳаси доирасида маънавий тадбирлар ўтказилди. Уларга кекса нурунийлар таклиф этилиб, болажонларга ибратли ҳикоя ва эртақлардан айтиб бериши йўлга қўйилмоқда.

кенгаши аъзоси Ортиқали Қозоқов билан Фарғона шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган учрашув эса йигит-қизларнинг рассомчилик соҳасидаги қизиқиш ва интилишларини янада рағбатлантиригачи шубҳасиз.

Беш ташаббус доирасидаги амалий ишлардан яна бири Учқўприк туманида бўлиб ўтган "Ўзбегим ёшлари" номли тўғрақ машғулотида. Ёшлар мазкур тўғрақлар доирасида турли хунарларни ўргаништириш, хунармандалар кўмағида касб-хунар сирларини эгаллаб олишга.

Ёшларни спортга жалб этиш борасида ЎзМТДП Қўқон шаҳар кенгаши "Болажон халқимиз" шiori остида спорт мусобақаларини ўтказди. Унда ўғил-қизлар спортнинг турли йўналишларида ўзаро беллашиб, маҳоратини намоён қилишди.

Ёш авлод ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган тўртинчи ташаббус доирасида ҳам қатор ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, туман ва шаҳарларда "Маърифат карвони" ташкил этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, "Кўмак" ҳуқуқий тарғибот гуруҳи аъзолари ва партия фаолларининг мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж, лицейларга миллий ва жаҳон адабиётининг сара намуналари ҳамда диний-маърифий, ижтимоий мавзуларга бағишланган китобларни етказиб бериш тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, "Кўмак" ҳуқуқий тарғибот гуруҳи аъзолари — Дилрабо Зокирова Бувайда туманида, "Ёш китобхон" республика кўрик-танлови ғолиби Шарофат Исмоилова Олтиариқ туманида ўз ташаббуси билан кутубхона ташкил этди.

Бу каби амалий ишлар мунтазам давом эттирилмоқда. Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

**Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, хусусан, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, навқирон авлодда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббус бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг кулоч ёзмақда. Шу кунгача мактаб, коллеж ва лицейлардан бошланган амалий тадбирлар болалар оромгоҳларига, мактабгача таълим муассасаларига ҳам кўчмоқда.

ҚАНОТ ЁЗАЁТГАН ЭЗГУЛИК

ЎзМТДП 5 та муҳим ташаббус ижросига ҳисса қўшади



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, партия ҳудудий, туман ва шаҳар ташкилотлари 5 та муҳим ташаббус, партия ғояси ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг уйғун ижросини таъминлаш мақсадида июнь-июль ойлари учун тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ўстириш, уларга миллий мусиқа санъати сирасорларини ўргатиш, чолғу асбобларимизга бўлган қизиқишини кучайтиришга қаратилган бундай тадбирларнинг қатор мактабгача таълим муассасалари ҳамда болалар оромгоҳларида ўтказиш белгиланган.

Биринчи ташаббус ижросига қаратилган амалий тадбирлар аллақачон бошлаб юборилди. Хусусан, ЎзМТДП Янгийер шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар маданият бўлими ҳамкорлигида 5-сонли мактабгача таълим муассасида ана шундай тадбир ташкил этилди.

Ёшларнинг мусиқа ва санъат, миллий чолғу асбобларга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида ўтказилган маданий тадбирда маданият ва санъат муассасалари мутахассислари, ота-оналар юртимизда болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим-тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, муштарак фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган таъкидланди. Ёшлар ўртасида мутлоа ва китобхонлик маданиятини юксалтириш учун барча таълим муассасаларида тарғиботнинг таърирчан усулларини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Бинобарин, бу ёшларнинг юрта садоқат, фидойи, комил инсонлар бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Болажонлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Партия Андижон вилоят кенгаши ёшлар орасида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва миллий халқ ўйинларига бўлган қизиқиш ва ҳурмат ҳиссини янада ошириш

мақсадида Булоқбоши туманидаги болалар ёзи дам олиш оромгоҳларидан бирида "Миллий халқ ўйинлари" фестивалини ўтказди. Фестивалда болалар ва ўсмирлар гуруҳларга бўлинган ҳолда "Кўз боғлар", "Кўриқчи", "Ким олади-ё шугинани-ё", "Хўроз уриштириш", "Оқ теракми — кўк терак", "Арқон тортишув" ва "Елкада кураш" каби асрлар элагидан ўтиб келаятган миллий ўйинларни маҳорат билан намойиш қилдилар. Ўтказилаётган бундай фестиваллар ёшларда унутилиб бораётган миллий халқ ўйинлари, урф-одат ва қадриятларга бўлган муҳаббат ҳиссининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, вилоят кенгаши ва Шаҳрихон туман ҳокимлиги ҳамкорлигида тумандаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тадбирда иқтидорли ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт ва санъат соҳасида олиб бораётган ижодий ишлари ва ёш хунармандалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси, янги авлодни китобхонликка жалб этиш, компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланиш бўйича ўқув-семинар ҳамда ёш спортчиларнинг қизиқишлари кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда, шунингдек, мазкур мактаб ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган "Муножот" номли спектакль намойиш этилди.

Партия Тошкент шаҳри ҳамда Сурхондарё вилоят туман ва шаҳар кенгашилар болалар оромгоҳларида ташкил қилган шу йўналишдаги тадбирларга таниқли санъаткорлар, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг истеъдодли ўқувчилари ҳам жалб қилинди.

Бундай тадбирлар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

**Р.МАВЛОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири**

"ЯХШИ КИТОБЛАР ЎЗИГА ЧОРОЛВЧИ ЮКСАК ТОҒЛАРГА ЎХШАЙДИ"

Француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг бу ғўзал таърифи замонлар ўтса ҳамки китобнинг қадр-қиммати тенгсиз экани, мутлоанинг сеҳри ва завқи улғунлиши, шунингдек, мутлоани деярли унутаяган ёшлар учун ўзига хос даъват ҳамдир. Дарҳақиқат, китоб — инсонни маънавий уйғоқлаш чорлаиди, зехнини ўткирлаштиради, хотирани муштаҳкамлайди, ақлни чарчлайди. Шу боис, юртимизда китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, мутлоа маданиятини ошириш, ёш авлодни китоба хурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялашга эътибор кундан-кун кучайтирилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлар ҳам ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр, санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш ҳамда маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар олиб бормоқда. Бунга халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат ўткир Жумаев фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқ вакили ўзи таълим олган Шофиркон туманидаги 3-умумтаълим мактабига бойитиш мақсадида бадиий китоблар жамланмасини тақдим этди. Шу билан бирга депутат туман ахборот-кутубхона марказини янги ва замонавий турдаги жиҳозлар билан тўлдирish мақсадида 10 миллион сўм миқдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

— Юртбошимиз томонидан илгари сурил-

ган 5 муҳим ташаббус ижроси туманимизда ҳам ўзгача буй кўрсатмоқда, — дейди Шофиркон туманидаги 3-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Гулмехри Баротова. — Депутатнинг таълим даргоҳимизга кўрсатаётган ҳар бир кўмаги мактабимиз жамоасини янада руҳлантирмоқда. Энг муҳими, ўқувчиларда китоб мутлоа қилиш кўникмаси шаклланимоқда.

Шунингдек, депутат ўткир Жумаев ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ҳамда вилоят Туризмининг ривожлантириш департаментини масъуллари ҳамкорлигида Бухоро шаҳридаги 27-сон махсус мактаб интернатида ташкилланган китоб акциясида ҳам фаол иштирок этиб, болажонларга қўлбал эртақ китоблари совға қилди.

**Мафтуна РАҲМОНОВА,
ЎзМТДП Қоровулбозор туман
кенгаши ижрочи котиби**

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

ТОМ МАЪНОДАГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ — БУЮК АҲДОДЛАРИМИЗ АҚЛУ ЗАКОСИ КЎЗГУСИГА АЙЛАНАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

“Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустақам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ана шу бетакорор илмий мероснинг барча қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина мамлакатимиз китоб фондларида сақланаётган, асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган 100 мингдан зиёд кўлэзма асарлар ҳам шундан далолат беради”, дейилади Президент қарориди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолият юритишни бошлар экан, энг аввало, марказ амалга ошириши лозим бўлган ишларга муносиб тарзда бунёд этилган бино зарур. Шунинг билан олган ҳолда Президент қарориди Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасига ёндоқ ҳудудда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази биносини барпо этиш учун ер майдони ажратилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 сентябрда Ҳазрати Имом мажмуасига бўлиб, мазкур марказ қурилиши, мақсад ва вазифалари юзасидан кўрсатмалар берди. Шу асосда мазкур қадимий мажмуа ёнидан ўн гектарга яқин жой ажратилди. Лойиҳа ишлаб чиқилиб, ҳудуд қурилишга тайёрланди.

2018 йил 15 июнь кунин Президент Шавкат Мирзиёев Ислом цивилизацияси маркази пойдевори раҳбарий таълим тоши қўйди. Давлатимиз раҳбари марказ қурилишининг улуғ айём — Рамазон ҳайити кунинда бошланаётган замирида эзгу ният, чуқур мазмун борлигини алоҳида таъкидлади.

Бу марказни қуришдан мақсад ислом маърифатини ўрганиш, боболаримизнинг буюк меросини авваломбор халқимизга, дунё ҳам-жамиятига етказишдир. Худо хоҳласа, ҳамма саяъ-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, илм-фанга, маданиятга, тинчлик-осойишталикка замин яратади, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари шу йил 26 июнь кунин Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг қурилиш жараёнини кўздан кечирди, бинонинг ички ва ташқи кўриниши, гўмбаз ранглари юзасидан ўз тавсияларини берди.

Бу марказ орқали илм, маърифат, маданият ривожига миллимиз қўшган ҳиссани муҳр-

лаб қўймоқчимиз, бу улуғ меросни халқимизга, ёшларимизга етказмоқчимиз. Ислом цивилизацияси маркази шу йўналишдаги илмий муассасалар учун фундаментал база бўлиши лозим. Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги ўқув ишлари бу марказ билан ҳамма-бир бўлиши, талабалар оқори курсларни шу ерда ўқиш, ўқитувчилар малака ошириши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ уч қаватдан иборат биносининг узунлиги 145 метрни, эни эса 115 метрни ташкил этади. Бинонинг марказидаги гўмбаз 64 метр баландликка эга. Марказ биносининг биринчи қавати илмий-тадқиқот маркази, реставрация ва электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва дунё кўлэмаларни сақлаш фондлари, 200 кишилик замонавий кафетерий, музейга кириш вестибюллари ва чиптахоналардан иборат бўлади. Иккинчи қаватда мазмуни ва экспонатлар хилма хиллиги бўйича бетакорор, мавзуий йўналишлар бўйича шакллантирилган, энг замонавий технологиялар асосида намоиш этиладиган, ислом оламнинг бебаҳо меросидан намуналар, турли ноёб экспонатларни ўз ичига олган, қарийб 15 минг квадрат метр кўргазма залига эга музей жойлашади.

Учинчи қаватда Ислом дунёси тамаддунига оид 100 мингдан ошқ кўлэзма ва уларнинг электрон шакллари қамраб олган, шунингдек, барча турдаги замонавий даврий нашр манбаларига эга бўлган кутубхона жойлашади. Марказ юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий кўлэзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, дин ва маърифат мавзуидagi замонавий китоб ва нашр маҳсулотларнинг энг йирик асл ва электрон кўринишдаги маълумотлар базасига эга бўлади.

Кўлаб мутахассис ва экспертлар иштирокида сиёсий ва ижтимоий мазмулда турли суҳбатлар уюштирилган “Халқаро пресс-клуб” шу йил 28 июнь кунин қурилиш жараёни давом этаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази: халқимиз маънавиятининг шаҳодатномаси” мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Унда Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Халқаро ислом академияси вакиллари, соҳа олимлари, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилиши, унинг фаолият йўналишлари, айни вақтда амалга ошираётган лойиҳалари, келажак режалари ҳамда олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик борасида сўз борди.



Давра суҳбатида таъкидланганидек, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда. Ушбу марказ Ҳастимом мажмуаси ҳудудини ташкил этилиб, ўзида юртимиздан етишиб чиққан буюк ислом олимлари, аллома ва мутафаккирлари, жаҳон маданияти ривожига ҳисса қўшган улуғ шоир ва адиллар, рассом ва таттоларга оид бой маълумотлар, нодир экспонатлар ўрин олган музей ва кутубхонани мужассам этади. Бу ерда кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Унга ташриф буюрувчилар бир вақтининг ўзида Ислом оламнинг ўнлаб энг ёрқин намоёндаларининг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконига эга бўлади. Марказ биноси ҳам шунга мос улуғвор ва муҳташам қилиб қурилоқда.

Марказ фаолиятининг асосий мақсади эътиқоди ислом дини билан боғлиқ бой ва ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро микёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш,

жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдан иборат.

Мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, Ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий концепция ишлаб чиқилади. Марказ таркибидagi кутубхона ва архив, кўлэмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий кўлэзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар ҳисобидан шакллантириш назарда тутилган. Марказ таркибидagi музей экспозициясининг мавзу йўналишлари чуқур ўйланган, илмий асосланган аниқ режа бўйича шакллантирилади ва энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намоиш этилади.

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қафол Шоший, Абдуллоҳиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Маргиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор Валий каби алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани тарихида

ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Замашшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намоёндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этиши, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад — жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга қарайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирлар айнан Ислом цивилизацияси марказида ўтказилади.

Европа Ренессансининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, мейморлик ривожига тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар павильонлари ташкил этилади. Марказда намоиш этиладиган экспозициялар мазкур даврларга оид экспонат ва кўргазмали манбалар билан бойитилади. Унда, шунингдек, жаҳон тарихида “Амир Темур ва теурийлар ренессанси” номи билан алоҳида ўрин эгаллайдиган даврда яратилган илм-фан, маданият ва мейморлик дурдоналари ўз аксини топади.

Бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг жаҳондаги нуфузли халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади.

Мухтасар айтганда, пойтахтимиз Тошкентда айрим юртодлашимиз ўйлаётганидек, яна битта мадраса ёки масжид эмас, диний йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борадиган, мутахассис ва олимлар билан доимий “қайнайдиган”, аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиб, уни кенг омма, жаҳонга тарғиб қиладиган ва етказадиган том маънодаги марказ барпо этилмоқда. Келгусида ушбу марказ фаолияти натижасида ҳали илм аҳлига таниш бўлмаган, шу пайтгача очиб ҳам кўрилмаган кўлэзма ва асарлар дунё юзини кўради. Шунда жаҳон мамлакатлари ҳеч иккиланмай Ўзбекистон чиндан ҳам Ислом цивилизацияси маркази эканини илмий далиллар асосида эътироф этади.

Бу борада соҳа мутахассислари ва олимларнинг фикрлари билан қизиқдик



Шоазим МИНОЗАРОВ,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори:

— Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — буюк аждодларимиздан қолган бебаҳо илмий-маърифий меросни сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, шу йўл билан ёшларда ватан тарихи,

аждодлар ёдига бўлган ҳурматни ошириш, ана шундай буюк алломалар авлоди эканидан фахрланиш туйғуларини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга, ота-боболаримизнинг табарруқ эътиқоди — ислом динининг асл моҳияти тинчлик, ижод, бунёдкорлик, баррикенглик эканини ҳам намоён этиш марказимизнинг асосий мақсад-вазифалари сирасига киради.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев яқинда марказнинг қурилиш ишларини кўздан кечирди чоғида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг вазифаси икки минг йил давомида аждодларимизнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини тарих саҳифаларига муҳрлаб қўйишдан иборат, деган фикрни билдирди.

Айни пайтда марказ биносини қуриш жадал суръатда давом этмоқда. Лекин бу — марказимиз биноси қачон битса, шундан кейин ишга киришамиз, дегани эмас. Чунки бу борадаги ишлар 2017 йилдаёқ бошланган: 50га яқин таниқли олимларимиз иштирокида марказнинг илмий-тарихий концепциясини яратишга киришилган. Марказда айни пайтда тарих, диншунослик, санъатшунослик йўналишлари бўйича мутахассислар ишга қабул қилинди ва фаолият юритмоқда. Улар томонидан Мўғулистоннинг Улан-Баторидан то Мали давлатининг Томбуктусигача бўлган ҳудуддаги мусулмон дунёсига тегишли кўлэмалар рўйхати устида иш олиб борилади ва у тўлиқ шакллантирилди.

Бугунги кунда халқаро алоқалар борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилади дейиш мумкин. Масалан, дунёнинг 45 давлатида марказимизнинг тақдирини ўтказилди. 10дан ортиқ халқаро илмий марказ, музей ва кутубхона билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан тузилган Халқаро ислом академияси билан ҳамкорликда Ислом цивилизацияси марказида замонавий барча талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали илоҳиётшунослар — теологлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази келажакда нафақат юртимиз, балки бутун дунёга машҳур, ўз обрў-эътибори, нуфузи ва илмий салоҳиятига эга тадқиқот ҳамда маърифат марказига айланади, деб ишонамиз.



Жаннат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори:

— Юртимиз ҳудудини ислом дини кириб келишидан аввал ҳам қудратли давлатлар ташкил топган. Ва табиийки,

илм-фан, маданият ҳам шаклланган. Аждодларимиз табиий ва аниқ фанлар борасида ўзига хос тушунчага эга бўлган. Бу билан айтмоқчимизки, ислом дини қолақ, ҳеч қандай маданиятга эга бўлмаган юртга кириб келган эмас. Аждодларимиз илмга чанқоқ, зехни ўткир кишилар бўлишган. Бунда буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганимиз асосий омил вазифасини ўтаган. Ушбу йўл орқали ҳудудимизга турли халқларнинг маданияти кириб келган. Шу босим илмий тараққиётнинг пойдевори исломгача бўлган даврда қуриб бўлинган эди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг асосий вазифалари қаторидан исломгача бўлган даврда илм-фан ва маданиятнинг тадқиқ қилиш ҳам ўрин олган. Бу ўз навбатида, илмий тадқиқотларни амалга оширишда энг муҳим жиҳатлардан бири саналади. Чунки асл асос ва пойдевор нимада эканини аниқлаш, илмий тараққиётнинг кейинги босқичларини ўрганишда қулайлик яратади, янги фикрларга ундайди.

Маълумки, Ислом цивилизацияси марказлари бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд. Биз уларни ҳам бориб, кўриб ўргандик. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази улардан кўп жиҳати, айниқса, комплекс фаолият юритиши билан алоҳида ажралиб туради. Келажакда марказда янги-янги илмий ишлар ёқланади, қадимий кўлэмалар аслиятдан таржима қилинади ва ўрганилади. Бу билан аждодларимиз меросини ўрганиш, уларга ҳурмат бажо келтириш, тарихимизга янгича нигоҳ билан қараш имкони яратилади.



Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, филология фанлари доктори, профессор:

— Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ўзига хос комплекс муассаса бўлади. Чунки бу ерда ҳам таълим йўлга қўйилади, ҳам илм қилинади, ҳам маънавий-маърифий мақсадга айланади. Албатта, буларнинг ичиди энг етакчиси илм ҳисобланиб, бошқа функциялар илм ўрганиш ва тадқиқот олиб бориш доирасида кечади.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ислом цивилизацияси маркази елкадош, ака-ука каби муассасалардир. Шунинг учун ҳам марказда академиямиз учун алоҳида жой ажратилган. У ерга асосан, илмий йўналишда фаолият юритадиган бўлимларимиз жойлашади. Бундан ташқари, академиямизнинг юқори босқич талабаларига Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида таълимни илм билан уйғун ҳолда олиб боришга имкон яратилади. Бу келажакда марказ учун ҳам етук кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази халқаро мақомга эга муассаса саналади. Салобати-ю маҳобатидан ташқари унинг моҳияти, мазмун-мундарижаси кенг қамровлиги, кўп тармоқлиги жиҳатидан бу турдаги бошқа бирор марказга ўхшамайди. Шунингдек, дунё фани, илми, маданияти, маънавиятида етакчи бўлган қомусий алломаларимиз асарлари ва кўлэмаларини тиклашга, ёшларимизни айнан шу руҳда тарбиялашга хизмат қиладиган маскан бўлади.



Сурайё КАРИМОВА,
ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори ўринбосари, тарих фанлари доктори:

— Президент қарори асосида Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Шарқшунослик институти, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Мазкур илмий марказ ва институтларнинг асосий вазифаси ёзма меросни ўрганиш ва тарғиб қилишдан иборат.

Юқорида тилга олинган муассасаларнинг мақсад ва вазифалари бир қарашда бир-бирини такрорлаётгандай кўриниши ё туюлиши мумкин. Лекин моҳият нуқтани назардан ундай эмас. Чунки уларнинг ҳар бирининг олдида қўйилган аниқ мақсади бор ва улар бу билан бир-бирдан кескин фарқ қилади.

Айни шу жиҳатдан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ҳам ўз фаолият йўналиши мавжуд. Марказда аждодларимиз мероси, таълимотлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Ушбу марказнинг асосий ғояси улуғ алломаларимизнинг ислом ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этиш, тарихимиз, маънавий меросимизга дунё эътиборини қаратишдан иборат. Шунинг билан тўтиш ҳам лозимки, бизда аждодларимиздан қолган мерос — ҳали ўрганилмаган жуда кўп кўлэмалар сақланмоқда. Уларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш жуда катта куч ва билим талаб қилади. Илмий тадқиқот институтлари, марказларнинг қўлайдиган айни шу жиҳатдан ҳам эътиборга молик.

Шарқшунослик институти илмий жамоаси келажакда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан ўзаро ҳамкорликда кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини амалга оширади.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Бугуннинг гапи

ҚОПҚОҚДАН "БАХТ" ҚИДИРАЁТГАНЛАР

энергетик ичимликлар рекламасини чеклаш эмас, буткул тўхтатиш лозим

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Чунки дорилар йўриқномасига "Тўқ қоринга ичилсин", деб ёзиб қўйилган... деб ўртанса, кимдир "уларнинг дарди оғриб турган битта тишим дардичалик эмас", дейди. Бу асосий айтмоқчи бўлган гапимиз эмас. Шунчаки фикримизга иқтибос келтирдик, холос.

Пашшадан фил яшаш...

Сўз юртаётганимиз — қопқоқ йиғиша бўлган иштиёқ бугун лоф бўлмасин, кўпчиликнинг фикри хаёлини эгаллаб бўлди. Бу ишга бутун бошли оиласини сафарбар этганларни кўриб, тўғриси, уларга ачинаиб кетдим. Бунда, айниқса, ёш болаларнинг фаоллигини кўриб, масала тобора жиддийлашиб бораётганини англайсиз. Наҳотки, борган сари шундай майдалашиб-бачканалашиб кетаётган бўлсак? Бу кетишда эс-хушимизни йиғиб олиш анча мушкул бўлиб қолиши эҳтимоли бор. Пашшадан фил ясамоқчи эмасмиз. Қопқоқдан "бахт" қидириб юрган миллат эртасини тасаввур қилиб кўрагимиз, холос.

Бир нарса алам қилади. Майли, бутадбир-корликдир, бу мўмай даромад илчилдаги уздабуронликдир. Лекин барчаси фирромлик эвазига! Шунчаки одамларни мазақ қилишдан бошқа нарса эмас. Ховлисида баклажка уюми тоғ бўлиб кетган элнинг (дейишга ҳам уяласан) "ана ўламан-мана ўламан", деб турган лотереяга бўлган ишончи сўнай-сўнай деганда кимгадир битта соврин бериб, яна ўзига оҳанрабодек тортиб олиши, рўзғоридан барака учирини, тушига ҳам оппа-осон келиб қолган машинанинг кириб-чиқиши фирромлик бўлмай нима? Энг ёмони, буларнинг барчаси миллат соғлиғига жиддий зарар етказиб, натижада умумгеннинг издан чиқиб кетишига олиб келишидир.

Биринчи Президентимизнинг шундай гапи бор эди: "Бизни савдосизга чиқарганларнинг ота-боболари оёбига ратта бойлаб юрганида, бизнинг ота-боболаримиз юлдуз санаган-



лар". Ҳа, бугун ўша юлдуз санагич аждоннинг авлодлари бахтни (агар машина шундай саналса) қопқоқ ичидан қидириб юрганида "латтапойабзаллар" авлоди чексиз билим ва дунёқароши билан бутун галактикага даъво қилиб турибди.

Бу нимадан? Бунинг боиси не? Бу дегани шуки, айримларнинг бурнидан нарини кўрмай қолганидан, маррани жуда-жуда яқин олганимиздан, ҳақлимиздаги чексизликнинг чегараланиб қолганидан, ўз қобилигимизга чирмашиб қолганимиздан...

Хўш, нима қилмоқ керак? Энг аввало, давлат одамларни мана шундай соврин бахона масқара қилаётганларнинг танобини тортиб қўйиши керак. Ўзини тadbиркор санаб, миллатни шу зайдла захарлаётган "олма ичидаги куртлар"нинг "биз давлатга фалон сўм солиқ тўлаёмиз", деган иддаоларига учмаслик керак. Бу тушум эртага ранги заъфарон, ақли калта, фаҳми ҳамиққадар бўлиб қолажак одамлар соғлигини тиклаш учун етмаслиги ҳам айна ҳақиқат.

Қонунчилик нима дейди?

Шу пайтга қадар миллий қонунчилигимизда энергетик ичимликлар умумий газланган ичимликлар тоифасига киритилган, воёга етмаган шахсларга салбий таъсири аниқланган бўлса-да, улар реализация қилиниши юзасидан ҳеч қандай чеклов йўқ эди. Зеро, кўпглаб ривожланган давлатларда энергетик ичимликларнинг воёга етмаган шахсларга сотилиши юзасидан турли таъқиқлар мавжуд.

Жорий йил 9 январда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун имзоланди. Унинг асосий мазмуни энергетик ичимликларга таъриф бериш ва бундай ичимликларнинг воёга етмаган шахсларга нисбатан реализациясини таъқиқлаш, реклама қилинишини тартибга солиш ҳамда қонун талаблари ижро этилмагани учун жавобгарликни белгилашдан иборатдир.

"Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва

жавфсизлиги тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2-моддасидаги асосий тушунчаларда энергетик ичимликка таъриф берилди. Унинг 14-моддасига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга энергетик ичимликларни реализация қилиш таъқиқлини хусусидаги меъёр белгилаб қўйилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга мазкур талабни бажармаганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш билан боғлиқ меъёр киритилди.

Энергетик ичимликларни реклама қилишда ҳам чекловлар ўрнатилди. Жумладан, "Реклама тўғрисида" ги қонун 221-модда билан тўлдирилиб, бундай ичимликлар рекламасида уларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишининг зарарлари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек, истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот бўлиши кераклиги белгиланди.

Қонунга кўра, соат 7.00 дан 22.00 га қадар энергетик ичимликларни телевидение ва радио орқали реклама қилиш, реклама мақсадида бундай ичимликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида текин тарқатиш, шунингдек, уларнинг номи, товар белгиси, ёки тасвиридан фойдаланиб, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун мўлжалланган тadbирларга ҳомийлик қилиш таъқиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида энергетик ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвири туришироқ товарларни тарқатиш, жумладан, сотиш, болалар ва ўсимирлар учун мўлжалланган босма нашрларда, шунингдек, тиббиёт, спорт ҳамда таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилишга йўл қўйилмайди. Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин энергетик ичимликнинг одам организмига зарари мўҳаррар экан, нега унинг рекламасини қонун йўли билан буткул тўхтатиш мумкин эмас. Бу учун бизга ким ва нима ҳадақит берапти, деган саволлар туғилиши табиий.

Диққат қилинг!

Шу ўринда эътиборни тортадиган яна икки муҳим жиҳат бор. Биринчиси, телевидение (айниқса, хусусий каналларни) диққат билан кузатсангиз, энергетик ичимликлар рекламасида таъқиқланган вақтга амал қилинмаётганини кўрасиз. Кимгадир ўша ютуқли ичимликдан бирор соврин чиқадиган бўлса, бутун боши маҳаллани бошига кўтариб, тантанали топириш маросими ўтказилиши ва буни ҳам "ойнаи жаҳон" орқали исталган пайтда эфирга узатилиши рекламдан ҳам кучлироқ восита эмасми?

Иккинчи жиҳат эса қонунда кўрсатилган 18 ёшга тўлмаган шахсларга энергетик ичимлик сотмаслик масаласи. Хўш, энергетик ичимлик харидори ёшини тасдиқлаш учун қандай ҳужжат тақдим этиши керак? Афсуски, савдо ташкилотлари энергетик ичимликлар харидорининг ёшини қандай текшириши кераклиги ҳозирча белгиланмаган. Қойдабузарликка йўл қўймаслик учун алкоғоли ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинишини тартибга солишга ўхшаш нормаларга амал қилиш тавсия этилади, холос. Бу "қувватбахш ичимлик" талабгори харид пайти сотувчида ёшига нисбатан шубҳа уйғотса, ёшини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши шартлигини тўлиқ тасдиқламайди. Чунки алкоғоли ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинишини тартибга солишга норма мавжуд, ammo бу энергетик ичимлик реализациясида қўлланилади, деган аниқ талаб эмас.

Хулоса ўрнида бир кичик воқеа ёдга тушади. Болалигимда "Қачон машина оламан?" деб дадамини ҳеч ҳол-жонига қўймадим. Дадам бўлса: "Ҳозир машинанинг тўртта шинасига етадиган пулимиз бор, қолганини йиғсам, кейин оламан", деб қулиб қўярди. Бу мен учун бутун умрга татигулик сабоқ. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, ялтйраб кўринган ҳамма нарса ҳам олмос бўлавермайди. Шундай экан, осон бойлик ортириш, захматсиз натижага эришиш йўлида ўғил-қизларимизга ўрнатилган бўлмайди.

Тўри, замонавий дунёда глобал муаммолар жуда кўп. Шундай экан, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, фарзандлар камоли учун яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланайлик.

Миллат болаларини асрайлик!

Исломжон ҚўҶҚОРОВ,
журналист

Реклама ўрнида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

уларга жаҳон бозорида талаб катта, бу эса соҳага инновацияни кенг жорий этишни талаб этади

Ватанимиз сарҳадларидан Буюк ипак йўли бўйлаб азалдан Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарқ мамлакатларига савдо карвонлари қатнаб, товарлар ташилган. Бу савдо алоқалари бугун замонавий асосда яна тикланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги иқтисодий-сўғиш, маданий-гуманитар алоқалар йилдан йилга ривожланиб пойтахт Тошкент билан Шанхай, Самарқанд шаҳри билан Сиань, Самарқанд вилояти билан Шэньси провинцияси ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама мустақамланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва "Озиқ-овқат холдинг" ўртасида имзоланган. Келишувга асосан, Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналарида 10 минг гектарлик ҳудудга логистика марказлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш объектларини барпо этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистондан 100 минг тонна мош экспорт қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Биргина Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан 2018 йилда ХХРнинг Синцян, Нинсия, Шенси ва Шананги провинциялари билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар минтақаларо раҳбарлари иштирокидаги форумда Самарқанд вилояти ҳокими Эркин Турдимов ҳам иштирок этди. Чунцин шаҳри амалга ошириш бўйича келишув имзоланганини ўзиёқ, келгусида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустақам йўлга қўйилганидан дарак беради. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 500 миллион долларлик инвестициялар жалб қилиниши кутилмоқда. Ушбу келишув Хенан провинциясининг Wanbang Selected Supply Chain Management Co.LTD.

самарқандлик ҳамкорлар билан бизнес-форумлар ўтказилди. 2017-20 йилларда Самарқанд вилоятига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва меваларни қайта ишлашга доир 2 миллиард 130 миллион АҚШ долларига тенг технологик усуналар олиб кирилди. Бу маблағларнинг ярмидан кўпи Ургут тумани ҳиссасига тўғри келади. Бунга Ургут тумани Ғус қишлоғида жойлашган "Жамшид ҳосилдор боғлари" МЧЖ агрофирмасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу агрофирма ХХРнинг "Alishankov North and South trading co.Ltd" ва "Сихаи тонгшанг (хиамен) трейдинг со.ЛТД" корхоналари билан майиз, қуритилган ўрик, қовун қоқи, мош, ловия ва бошқа экологик тоза, табиий ҳолда қуритилган мевалар учун қарийб 500 минг долларлик шартнома қилган. Ўтган йили бу кўрсаткич 125 минг долларни ташкил этган. Бу йилга эса 1 миллион долларлик қуруқ мева жўнатиш бўйича шартнома тузилган.

Ўзбекистон ва Хитой савдо-сотиқ алоқаларини янада кучайтириш мақсадида Самарқанд вилоятидаги 200 дан ортиқ корхоналар вакиллари Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси кўмағида

шартномалар имзолаш учун ХХР да бўлишди.

Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг кучайиши, ўз навбатида, улардан олинладиган маҳсулотларни кўпайтиришни талаб қилади. Бунинг учун тупроқ унумдорлигини ошириш, органик ўғитларни қўллаш, эрозия жараёнларининг олдини олиш, касаллик ва зараркундаларга қарши биологик курашиш, инновация агротехнологияларни қўллаш, иссиқхоналар қурилишини кўпайтириш, мева ва сабзавот ўсимликларини ҳосилдор, қурғоқчилик, касалликларга чидамли, иссиқхоналарга мос "карлик" навларини яратиш, шўрланган ерларни мелиорация ҳолатини яхшилашнинг инновацион усуллари билан фойдаланиш лозим бўлади.

Шу йилнинг 28 май куни илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳақли равишда таъкидлаганидек "илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган итхтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш" лозим. Бугунги кунда фақат қуруқ хомашё етиштириш ва уни қайта ишлаш билангина узокқа бориб бўлмайди. Ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун инновациялар лозим. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши ва таянчи бўлиши керак. Бунинг учун, энг аввало, барча соҳада ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар зарур. Қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион — томчилабтиб сугориш технологияси, замонавий иссиқхоналар

ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, агрокимё ва тупроқшунослик, ўсимликлар ген инженерияси, қишлоқ хўжалик соҳаси маркетинги ва менежменти, логистика бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш лозим. Яхши мутахассис тайёрлаш учун, энг аввало, назарий билим, уни амалиётга қўллаш учун эса замонавий лаборатория ва амалий тажрибалар керак. Олий таълим тизимида чет эллик олим ва мутахассислардан кенг фойдаланиш, иқтидорли фарзандларимизни илғор, ривожланган давлатлар олий ўқув юрларида ўқитиш зарур.

Ўзбекистон иқлим шароити сугориш тизими технологияларини яхшилаш, соҳага инновацион усуллари жорий этиш, мелиорация соҳаси мутахассисларини халқаро андозалар даражасига кўтаришни талаб қилади. Сугориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи шўрланган. Шўр қочирини учун мўлжалланган эски зовурлар оқова сувни қисқа муддатларда дренаж қилиш қобилиятини йўқотмоқда. Шунинг учун, айниқса, Сирдарё, Жиззах, Фарғона водийси, Қарши чўли ва бошқа шўрланган ҳудудларда Голландия технологияси асосида ер ости дренаж тизимини барпо этиш, шўр сувларни тозалаш технологиясини жорий қилиш бўйича мелиоратор мутахассислар тайёрлаш лозим. Ана шунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биз истагандек, сифат ва миқдор жиҳатидан кўпаяди ва давлатларо савдо-сотиқнинг тез ривожланишига мустақам замин яратилади.

Шодиқул ХОЛИҚУЛОВ,
СамДў гидрометеорология кафедраси мудири,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

ЭЪЛОН!

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари "AVTONEFTTRANS" МЧЖнинг 28.06.2019 йил кунги №1-1/88-сонли буюртма хатига асосан қуйидаги носоз ҳолдаги техника (автоцистерна)лар қўйилмоқда:

1. С'UHADAR русумли ярим тиркама, (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 7621 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.
2. С'UHADAR русумли ярим тиркама (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 7620 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.
3. С'UHADAR русумли ярим тиркама (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 7614 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.
4. С'UHADAR русумли ярим тиркама (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 7617 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.
5. С'UHADAR русумли ярим тиркама (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 7606 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.
6. С'UHADAR русумли ярим тиркама (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 7615 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.
7. С'UHADAR русумли ярим тиркама (автосиғим), 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 4818 AA. Бошланғич баҳоси — 37 954 644 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 5 август куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охириги муддати: 2019 йил 2 август, соат 16:00гача. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган техника воситалари 2019 йилнинг 5 август кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 12 ва 29 август кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАББ "Трастбанк" Фарғона филиалидаги қуйидаги хисоб-рақамга тўлашлари лозим: Х/Ҳ: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. Тел: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТИ

икки палатали бўлиб, Мажлисда 107, Сенатда эса 49 депутат фаолият юритади

Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё минтақасида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоятга, улар эса аудан (туман)ларга бўлинган. Пойтахти — Нур-Султон шаҳри. Майдони 2 миллион 724,9 минг квадрат километр. Аҳолиси 18 миллиондан зиёд. Шимолдан Россия, жанубдан Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, шарқдан Хитой билан чегарадош. Давлат бошлиғи — Президент. Ижроия ҳокимиятни Бош вазир бошчилигидаги Ҳукумат амалга оширади.



Қозоғистон Республикаси парламенти олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимият вазифини бажаради. У икки палата — куйи палата — Мажлис ҳамда юқори палата — Сенатдан иборат.

Мажлисга 107 депутат сайланади. Парламент депутати бир вақтнинг ўзида икки палатанинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Мажлис депутатларининг ваколат муддати беш йил, Сенат аъзолариники эса олти йил этиб белгиланган.

Куйи палата депутатларининг 98 нафари умумий, тенг ҳамда тўғридан-тўғри овоз бериш ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан, 9 нафари эса Қозоғистон халқ Ассамблеяси томонидан сайланади. Сайловлар амалдаги қақриқ депутатларининг ваколат муддати тугашидан икки ой олдин ўтказилади.

Сенатда ҳар бир вилоят, республикага бўйсунувчи шаҳар ҳамда мамлакат пойтахтидан иккитадан вакил фаолият юритади. Сенатнинг ўн беш нафар вакили мамлакат Президенти томонидан тайинланади. Сенат аъзолари билвосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Сенат аъзоларининг ярми ҳар уч йилда қайта сайланади.

Қозоғистон фуқароси бўлган ҳамда мамлакат ҳудудида камида ўн йил муқим яшаб келаётган шахслар депутат этиб сайланиши мумкин. Депутат сифатида сайланиш учун фуқаро камида 25 ёшга тўлган бўлиши керак. Ўттиз ёшга тўлган, олий маълумотга эга, камида беш йиллик иш стажига эга, тегишли вилоят, республика даражасидаги шаҳар ёки мамлакат пойтахтида камида уч йил давомида истиқомат қилиб келаётган мамлакат фуқароси Сенат аъзолигига сайланиши мумкин.

Депутатлар парламент фаолиятида иштирок этиши шарт. Парламентда у ёки бу масалада овоз бериш фақат депутатларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади. Депутат бошқа вакиллик органи аъзоси бўлиши, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Фақат педагогик, илмий ёки ижодий фаолият бундан мустасно.

Жиноят жойида қўлга олиниш ёки оғир жиноятларни содир этишдан ташқари ҳолатларда депутатлар тегишли палаталар

рухсатсиз ҳибсга олиниши, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Президент ташаббуси билан парламент қўшма мажлисларида палаталар мамлакат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, Ҳукумат ҳамда Ҳисоб палатасининг давлат бюджетини назорат қилиш ва ижросини таъминлаш юзасидан ҳисоботларини тасдиқлайди. Республика бюджети ижросининг парламент томонидан тасдиқланмаслиги, Ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини аниқлади.

Палаталар қўшма мажлисларида Конституциявий суднинг республиканинг конституциявий қонунчилиги борасидаги ҳар йилги тақдимномалари эшитиб борилади, палаталарнинг қўшма комиссиялари шакллантирилади, уларнинг раҳбарлари лавозимга тайинланади ёки лавозимдан озод этилади, комиссиялар фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар тингланади.

Қонунлар аввал Мажлисда, кейин Сенатда кўриб чиқилади ҳамда қабул қилинади. Шунингдек, давлат бюджетини тасдиқлаш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, давлат солиқлари, йиғимларини жорий қилиш ёки бекор қилиш, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий масалаларини ҳал этиш, давлат муқофотларини тасдиқлаш, фахрий, ҳарбий ва бошқа унвонларни жорий этиш, давлат рамзларини белгилаш, амнистия масаласини ҳал этиш, халқаро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш каби масалалар аввал куйи, кейин эса юқори палатада кўриб чиқилади.

Қозоғистон Республикаси Президентининг тақдимномасига кўра Олий суд раиси ҳамда Республика Олий суди судьяларини сайлаш ва лавозимдан озод этиш, мамлакатнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини беш йил муддатга сайлаш, лавозимдан озод этиш Сенатнинг мутлақ ваколатларига киради. Шунингдек, Сенат Президентнинг Миллий банк раиси, Бош прокурор ҳамда Миллий хавфсизлик қўмитаси раисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ва бошқа ваколатларга ҳам эга.

Мажлис депутатларининг кўпчилик қисми овози билан Президентга Бош вазирни лавозимга тайинлашга рухсат бериш, навабдаги Президент сайловини эълон қилиш каби мутлақ ваколатларга эга. Куйи палата депутатларининг бешдан бир қисми ташаббуси билан Ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилиши мумкин.

Палаталар алоҳида ҳолатда, ўз аъзоларининг учдан бир қисми ташаббуси билан Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини тинглаш ваколатига эга. Ҳисобот тингланганидан сўнг, қонун бузилиш ҳолатлари кузатилаганини вақт қилиб, уларни ваколатларидан озод этиш юзасидан палата аъзоларининг учдан икки қисми овози билан Президентга мурожаатнома юборилиши мумкин. Бундай ҳолатда давлат раҳбари Ҳукумат аъзосини лавозимдан озод этади.

Палаталарга раислар бошчилик қилади. Сенат ҳамда Мажлис раислари алоҳида, ўз аъзолари кўпчилик қисми яширин овоз билан сайланади. Сенат раислигига номзод Президент, Мажлис раислигига номзод эса палата депутатлари томонидан илгари сурилади.

Палата раислари палата мажлисларини чақиради ва уларни бошқаради, уларда кўриб чиқилмаган масалаларга умумий раҳбарликни амалга оширади, палаталарга ўз ўринбосарлари номзодларини тақдим қилади, регламентга риоя қилинишини таъминлайди.

Мажлис раиси парламент сессиясини очиб беради, палаталарнинг навабдаги қўшма мажлисларини чақиради, навабдаги ва навабдан ташқари мажлисларга бошчилик қилади.

Парламентнинг биринчи сессияси Президент томонидан сайлов натижалари матбуотда эълон қилинганидан сўнг ўттиз кундан кечиктирилмай чақиради. Парламентнинг навабдаги сессиялари йилда бир марта, сентябрь ойининг биринчи иш кунидан июнь ойининг сўнгги иш кунигача давом этади. Парламент сессияси қонунда кўра, Президент томонидан очиб берилади, Сенат ҳамда Мажлиснинг қўшма мажлиси билан ёпилади. Қўшма ва алоҳида парламент мажлисларида палата аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Президент, парламент вакиллари, Ҳукумат қонунчилиги ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳаси аввал Мажлисда кўриб, чиқилиб, қабул қилинади, ундан сўнг Сенатга юборилади. Сенатда қонун лойиҳаси кўпи билан отмиш кун ичида кўриб чиқилади. Юқори палата аъзоларининг кўпчилик қисми томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси ўн кун ичида Президентга имзолаш учун тақдим этилади. Борди-ю, Сенат аъзоларининг кўпчилик қисми қонун лойиҳасини рад этса,





Мажлисга қайтарилади. Агар лойиҳа куйи палата депутатларининг учдан икки қисми томонидан қайта қабул қилинса, яна кўриб чиқиш ва овоз бериш учун юқори палатага киритилади. Сенат томонидан иккинчи бор рад этилган қонун лойиҳаси жорий сессияда қайта киритилиши мумкин эмас.

Мамлакат парламенти сайловлар сўнгги бор 2016 йилнинг 20 март куни ўтказилди. Навбатдан ташқари ўтказилган сайловда партиялар рўйхати бўйича "Нур Отан" партиясидан 84, "Ак жол" ҳамда Қозоғистон коммунистик партияларидан еттитадан вакил депутатлик мандатига эга бўлди. Қолган тўққиз нафар депутат эса Қозоғистон халқ Ассамблеяси томонидан сайланди.

Парламентда энг кўп мандатга эга "Нур Отан" партиясига 1999 йилнинг 1 мартда мамлакатнинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев томонидан асос солинган. Партия мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, барча халқларнинг ўзига хослигини сақлаб қолишига шароит яратиш, оилаларни асраш, қадрият ва анъаналарни, хусусий мулкнинг дахлсизлигини сақлаб қолиш, иқтисодий диверсификация қилиш, энергия тежамкорлигига эришиш, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, коррупцияга қарши курашиш каби мақсад-вазифаларни илгари сурмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
халқаро шарҳловчи

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИГА БОЙ ОРОЛ



Бали ороли Индонезия ҳудудида жойлашган бўлиб, Кичик зонд ороллари ғуруҳи таркибига киради. Уни жанубдан Ҳинд, шимолдан Тинч океани суви ювиб туради. Майдони 5 минг 780 квадрат километри ташкил қилади. Орол шарқдан ғарбга қараб — 145, шимолдан жанубга томон — 80 километрга чўзилган. Оролда 4 миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Бали кичик зонд ороллари фарбий қисмида жойлашган. Орол ҳудудида икки фаол вулқон мавжуд. Улар Агунг (3142 метр) ҳамда Гунунг-Батур (1717 метр) деб номланади. 1963 йилда мазкур вулқонларнинг фаоллашиши оқибатида аҳоли бошқа жойга кўчирилган. Шундай бўлса-да, вулқон фаолиги тупроқ унумдорлигини яхшилаб, ҳосилдорликнинг ошишига ҳам шароит яратди.

Оролдаги баланд тоғлар тизмалари — Батукау (2278

метр) ҳамда Абанг (2152 метр) оролни иккита бир-бирига ўхшамайдиган иқлимга эга минтақага бўлиб юборган. Шимолий минтақада иқлим қуруқ бўлиб, бу ерда қаҳва етиштириш қулай. Жанубий минтақа эса нисбатан намроқ иқлимга эга бўлгани боис бу ерда асосан гуруч етиштирилади.

Бали оролида экваториал-муссон иқлими ҳукмронлик қилади. Йилнинг июнь-октябрь ойлари қуруққичил, ноябрь-март ойлари эса серёғин келади. Йилнинг ўртача ҳарорати 26 даража иссиқ. Оролнинг курорт зоналари, текисликдан иборат ҳудудларида илиқроқ ҳарорат кузатила, тоғли ҳудудлар бироз салқинроқ бўлади.

Оролда "Бали-Барат" (Ғарбий Бали) хиёбони ташкил этилган. Бу ерда дарахт ва ўсимликлар қишин-ёзин ям-яшил бўлиб туради. Балида банан дарахти жуда кўп ва ҳосилдор. Улар маймунлар, олмахон, кўршапалаклар учун асосий озуқа мабаи саналади. Бамбук дарахти орол

бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, балиликлар учун асосий қурилиш воситасига айланган.

Индонезия мустақилликка эришган дастлабки йилларда мамлакат иқтисодий, асосан, нефть экспортига боғлиқ бўлиб қолган эди. Шундай шароитда бошқа манбаларни излаб топиш талаб этиларди. Катта фойда келтириши мумкин бўлган соҳалардан бири туризм эди. Чунки мамлакат ҳудудини океан сувлари ювиб туради, хушманзара табиатга эга ороллари бор. Шу боис Ҳукумат мамлакатда туризмни, хусусан, Бали оролида ҳам инфратузилмани ривожлантириш учун катта эътибор қаратди. Бу орол нафақат фусункор табиати, балки ўзига хос маданияти, мусиқаси, диний маросимлари билан ҳам ажралиб туради.

Айни пайтда Бали Индонезиянинг сайёҳлар кўп келадиган ороллари саналади. Оролдаги Нгурах-Рай аэропорти замонавий ва яхши жиҳозланган. У орол

маркази — Денпасара шаҳри яқинида жойлашган. 2013 йилда аэропортда янги ва замонавий халқаро терминал фаолияти йўлга қўйилди. Оролда кичик микроавтобус — бемо энг арзон транспорт воситаси ҳисобланади. Балида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган кўплаб агентликлар фаолият юритади. Улар кўмағида автомобиль, мотоцикл ва бошқа транспорт воситаларини ижарага олиб, улардан мустақил равишда фойдаланиш мумкин.

Бали дунёдаги сёрфинг марказларидан бири ҳисобланади. Оролнинг қирғоқлари атрофида йил давомида ажойиб тўлқинлар ҳосил бўлади. Бу эса оролда сёрфинг бўйича спорт мусобақалари ташкил этиш учун яхши имконият яратди. Шу боис бу ерда дунё даражасидаги сёрфинг мусобақаси — Padang Padang RipCurl Cup ҳам бўлиб ўтади. 2008 йилда Балида елканли спорт тури бўйича Осиё чемпионати ҳам ўтказилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Эзги таътил кунларида

МАНЗИЛЛИ ДАСТУР АСОСИДА

96 оромгоҳда болаларнинг вақти мазмунли ва мароқли ўтиши учун барча қулайлик яратилган

Жиззах вилоятида шу йил эзги таътилда вилоят ҳокимлиги ва вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ташқарисидаги 10 та ва мактаблар қошидаги 86 оромгоҳда 10 минг 450 ўғил-қиз ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

Хусусан, Жиззах шаҳар "Турон" МФЙ худудига қарашли 9-умумтаълим мактаби қошида тажрибали педагог Дилфуза Шокирова бошчилигида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳида барча шароит яратилган. Бу ердаги сўлим манзара, анвойи гуллар дилга ором ва ҳаловат бағишлайди.


— Оромгоҳда болажонларимиз турли спорт ўйинларида иштирок этиб янги дўстлар орттирмақда, — дейди тарбиячи Севара Султонова. — Китобхоналик кечалари болаларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

Мураббийлар Дилдора Қўшбоқова, Насиба Жумабоева ташкиллаштирган турли тадбирлар, саҳна кўринишлари, спорт мусобақалари, "Урдак-ғоз", "Бекинмачоқ", "Қувлашмачоқ" каби миллий ўйинлар, "Менин ўлкам", "Қанотли ҳимоячиларимиз" мавзусидаги кўрик-танловлар ўтказилаётгани дам олиш мавсумининг сермазун ўтишига сабаб бўлаётди.

Шу худуддаги 16-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Юлдузча" болалар

соғломлаштириш оромгоҳидаги тўғарақларда малакали ўқитувчи-мураббийлар Дилфуза Қобилова ва Олтиной Мўминова болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишида ҳиссасини қўшаётди. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси етакчилигидаги тарбияланувчилар анъанавий ўйинлардан ташқари "Тортишмачоқ", "Елкада кураш", "Ким чаққон?" каби миллий ўйинлар, оромгоҳ бўйлаб тез юриш ва югуриш машқини бажаришмоқда. Айниқса, Соҳиба Маматқулова раҳбарлигида ташкиллаштирилган турли тадбирлар, саҳна кўринишлари, кўшиқ айтиш ва рақсга тушиш танловлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Оромгоҳнинг "Булбулча" ва "Бойчечак" гуруҳида эса қўлигул қизлар тиккан буюмлардаги кўни қамаштирувчи ипақлар жилоси ва рангларнинг уйғунлашуви кишини ўзига мафтун этмай қўймайди.

"Соғлом турмуш тарзи" шиори остидаги семинар-тренинг машғулоти, "Соғ танда — соғлом ақл" каби спорт турлари бўйича ўтказилаётган тадбирлар ҳам болаларни соғлом



ва иродали бўлишга ўргатмоқда. Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 70 нафар болажоннинг шўх-шодон қийқириги ва ўйин-кулгуси бир дам бўлса-да тинмайди.

— Болажонларнинг кайфияти жуда яхши. Бунининг чехраси ва ҳаракатидан ҳам пайкаш кийин эмас, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Моҳира Омонқулова. — Эзги таътил мароқли ўтса, ўйламанки, бу эртага уларнинг билим олиши ва тарбиясида ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

Фалларол туманининг Қашқабулоқ қишлоғида жойлашган "Қамолот" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган 100 нафардан ортиқ дам олувчилар-

нинг ҳам ҳар бир куни мароқли ўтпти.

Дам олиш маскани Сангзор дарёси соҳида жойлашган. Бу ердаги сўлим манзара, салқин ҳаво, анҳордан оқаётган зилол сув болалар қувончига қувонч қўшмоқда.

Оромгоҳда "Лочин", "Парвоз" ва "Қамалот" гуруҳининг деворий газеталари, болажонларнинг ранг-баранг бўёқларда чизган суратлари, моҳир қўллар ижоди — ўйинчоқлар ва нафис нақшларни кўриб ҳайратланасиз. Ҳар бир хона озода ва батартиб, кўчма кутубхона дам олувчилар ихтиёрида. Бунда бош етакчи Азим Солиев, тарбиячилардан Сарвиноз Абдуҳақимова ва Янглиш Сулаймонованинг ҳиссаси катта бўлаётди.

Айниқса, Шахло Хўжабекова раҳбарлигида ташкиллаштирилган турли қўнғилочар тадбирлар барчага бирдек манзур бўлмоқда. Болажонлар тадбиру танловларда фаол иштирок этаётди. Фолиб йигит-қизлар маъмурият томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

Тажрибали педагог Акмал Алиқулов раҳбарлигидаги кундузги оромгоҳда болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Тарбиячи ва етакчилар билан бир қаторда тўғарақ раҳбарлари ва спорт йўриқчилари ҳам астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар учун тегишли қўлланмалар тақдим этилган.

— Ўқувчиларнинг эзги дам олишини мувофиқлаштирувчи гуруҳ, худудларда ишчи гуруҳлар доимий фаолият олиб бормоқда, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси Тўлабой Тўйчиев. — Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, озик-овқат маҳсулотлари сифати, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилиши мунтазам мониторинг қилиб боришмоқда. Кеча-ю кундуз ишлайдиган тез тиббий ёрдам машиналари навбатчилиги ташкил этилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу йил вилоятдаги оромгоҳларнинг барчаси мавсумни пухта тайёргарлик билан бошлади. Болажонларнинг манзилли дастур асосида ҳар томонлама қулай шарт-шароитга эга дам олиш масканларида мазмунли ҳордиқ чиқариши уларнинг янги ўқув йилида куч-ғайрат ва шижоат билан пухта билим олишларида муҳим аҳамият касб этади.

Абдулла САИДОВ,
журналист

Реклама ўрнида

"МЭРС" — самарали микробиоўғит

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашига сайланган депутат Зайниддин Ҳожи Акбар тадбиркор, янгиликка интилувчан, ташаббускор юртдошларимиздан. У бир неча йилдан буён Наманган шаҳридаги "Шодиёна тантаналари" масъулияти чекланган жамиятини бошқариб келади.

"МЭРС" билан бирга, ҳосилга ҳосил қўшамиз!



Ўзбекистон - Қозоғистон қўшма корхонаси



МЭРС микробиоўғити билан ҳосилдорликни оширинг!

Ўзбекистон - Қозоғистон қўшма корхонаси Наманган шаҳри



МЭРС микробиоўғити билан ҳосилдорликни оширинг!

билан таъминланади. Тупроқ, фосфор ва ўсимликларни шакллантиришга оид 16-20 макро ва микроэлементлардан юқори даражада фойдаланади. Бошқа минерал ўғитларнинг самарадорлигини 20-25 фоизга орттириши натижасида ўғитларни 1,2-2 баробар камайтирган ҳолда сарфлаб, юқори ҳосил олишга эришилади.

— 2018 йилда шартнома асосида пахта топшириш режасини республикамизда биринчилардан бўлиб бажарган Чуст туманидаги бир қатор фермер хўжаликлар, жумладан, "Сабаззор Машъали" фермер хўжалиги 41 гектар майдонга экилган пахтага икки мартаба "МЭРС" микробиоўғитини қўллаб, гектаридан 42 центнердан ҳосил олишга эришди, — дейди "Шодиёна тантаналари" МЧЖ директори Зайниддин Ҳожи Акбар. — Шартнома

режасини 131 тонна ўрнига 172 тонна ҳосил етиштириб бажарди. "Чуст Севинч Хумори", "Тошлоқ қайрилма" ва "Сардорбек-Шаҳзодбек" фермер хўжалиги ҳам режани биринчилардан бўлиб бажариб, гектаридан 6-10 центнердан ортиқ ҳосил олишга эришди. 2019 йилда Наманган вилоятида ғалла топшириш режасини биринчи бўлиб бажарган Поп тумани деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳам "МЭРС" микробиоўғитидан фойдаланишганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари тадбиркор таъсисчилигидаги "Шодиёна тантаналари" МЧЖ томонидан Поп тумани Фурумсарой қишлоғидаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмдаги аскарларнинг овқатланиш тизими аутсорсинг асосида ташкиллаштирилиб, 125 янги иш ўрни яратилди.

Айни кунда "Даладан дастурхонгача" шиори асосида иш олиб бораётган халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашига ўзМТДПдан сайланган депутат Зайниддин Ҳожи Акбар қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестициялар қиритиш мақсадида бир неча лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Натижада яна 100-150 янги иш ўрни яратилади. Мақсад эса битта: Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси 30 донна офис стули сотиб олиш ҳамда Марказий кенгаш биносини жорий таъмирлаш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефон:
71-239-45-77, 71-277-72-90

"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Қибрай филиали офис учун мебель жиҳозлари сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади.

Таклиф ва мурожаатлар эълон чоп этилгандан сўнг 7 иш куни мобайнида ёпиқ конвертда куйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент вилояти Қибрай тумани,
Зебунисо кўчаси, 7-уй.
Тел: 78-150-20-87

Тошкент шаҳар Юнусобод туман, Янги тарнов кўчаси 57-уйда истиқомат қилган (марҳум) Тожи Ходжиевага тегишли уй (кадастр) ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Алишер ҚОДИРОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Акмал САИДОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБЕКОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕ-ФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-89-55, Парламент ва партия хабари бўлими: 234-01-47, Мазнавийат, туризм, халқаро хабар ва ахборот бўлими: 234-87-73, Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғоқ бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshamba куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 726, Адади — 1501. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ. Навбатчи: Дилфуза МАҲҚАМОВА

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 02.00. УЗА яқини — 22.50



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКISTON "MILLIY TIKLANISH" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ISSN 2010-7714



1 2 3 5 6